



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очкилик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

(Конституция қабул қилинганига 28 йил тўлиши муносабати билан Президентимизнинг Ўзбекистон халқига байрам табригидан).

Gazeta 1996-yil dekabrden chiqa boshlagan \* Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2020-yil 12-dekabr, shanba \* № 46 (1210)

## “БИЗ ТЕЛЕВИЗОР КЎРМАЙМИЗ...”



Кейинги пайтларда одамлар майли, чироғингни кундузи икки-уч соат ўчириб, кечаси ёқиб қўй, дейдиган бўлишди. Ҳарна-да. Аммо бунинг акси — кундузи ҳам, кечаси ҳам аҳвол шу. Биз телевизор кўрмаймиз, мамлакатимизда бўлаётган ислохотлар, оламда нима гап тугул, маҳаллада содир бўлаётган баъзи воқеалардан, янгиликлардан беҳабар қолиб кетаямиз. Қоронғида кўчага чиқиб бўлмас...

→ 3-бет

## МЕНИНГ УЙИМ



Ариза ва муурожаатларимиз футбол тўпидай копток қилиб тепилди. Отанга бор, онанга бор тарзида. Энг қизиғи, Тошкент бош плани лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институтидан қурилишга рухсат берилгани тўғрисида жавоб олдик. Қайфиятимиз кўтарилди. Қайфиятимизни туширадигани эса қурилиш давом этяпти. Шаҳар бедарвоза, деб шуни айтишасалар керак-да.

→ 5-бет

## ТЕАТР ТОМОШАБИГА ТАШНА, ТОМОШАБИН-ЧИ?..



Шунингдек, тегиримонни қуруқ айлантираверган билан бугдой солмасангиз, ун қайда? Ижодкор ўлиб-тирилиб, қоғоз қоралайверса-ю, унга рағбат бўлмаса, асари саҳнада ўйналган маҳал уни томоша қиладиган қорақўз томошабин бўлмас, қандай бўлади? Кимнинг ёзғиси келади? Шунинг учун ўзимизда ҳам томошабинлик маданиятини, театрга ишқибозлик руҳини шакллантиришимиз, қучайтиришимиз керак.

→ 8-бет

## ИЖОДИЙ САЁҲАТ

Янгилаётган Ўзбекистон! Қалбларни уйғоқликка чорловчи жарангдор бу сўзлар моҳиятида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудини — чекка ва олис қишлоқларини ҳам қамраб олган ислохотлар жараёни, кенг бунёдкорлик ишлари, одамлар турмуш тарзининг ижобий томонга ўзгариб бораётганини муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай жараёнларга журналист — ижодкор кўзи билан синчков назар солинганда эса одамлар қалбидаги орзу-умидлар рўёби ҳам ойдинликка қалқиб чиқади. Бу албатта, журналистнинг ислохотлар жараёнини рўй-рост, буй-басти билан борица ёритишга ундайди.



## Одамлар қалбидаги орзу-умидлар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан “Журналист ва ҳаёт” лойиҳаси доирасида ҳудудларда амалга оширилаётган пресс-тур тадбирлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу гапни пресс-тур мамлакатимиз мадҳияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. “Нурли жол”, “Овози тожик”, “Хуррият”, “Ўзбекистон овози”, “XXI аср”, “Адолат”, “Жамият”, “Хабар.уз”, “Ўзбекистон-24”, “Севимли”, “Менинг юртим” каби марказий ОАВ, шунингдек, маҳаллий газета ва телевидение вакиллари шу йилнинг 10-11 декабрь кунлари Навоий ва Ҳозгон

шаҳарларида бўлиб, бу ҳудудларда амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўлди.

Дастлаб иштирокчилар Навоий шаҳридаги “Baht-Textile” масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишишди. Мазкур корхона 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда вилоятдаги пахтачилик бўйича йирик кластер субъекти саналади. 1300 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган корхонада Швейцариянинг илғор етакчи енгил санат дастгоҳлари ишлаб чиқарувчи “RIETER” компаниясининг ип йиғирув дастгоҳлари ўрнатилган. 2019 йилда жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 27000 тонна

калава-ип тайёрлашга етказилди. Корхона Навоий вилоятида етиштирилаётган пахта толасининг 70 фоизини қайта ишлаб, ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулотларни бозорга олиб чиқмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишар экан, корхона ишчи-ҳодимлари билан мулоқот жараёнида улар учун яратилган қулайликларни кўздан кечиришди. Маълумки, Навоий вилояти фақатгина санатлашган ҳудуд бўлиб қолмай, балки кейинги йилларда ижтимоий соҳа, хусусан, таълим тизимида ҳам қатор ижобий натижалар кўлга киритилаяпти.

## ТАЛҚИН

# ЎЗЛИК УСТУНИ

ёки тарих фани ўқитилмаса, нима бўлади?



“Ўзини англа”.

Аполлон ибодатхонаси пештоқидоғи ёзу

Тарих хазинаси — умуминсоният мулки. Бир эътиборли мисол. Яқин тарихда Япония кадр тайёрлаш бўйича АҚШ намунасини қабул қилган экан. Харитага қарасак, Япония қаердаю, Америка қаерда? Соат белбоғи бўйича 18 соат фарқланади. Эҳтимол, Америкадан Японияга йўлни биринчилардан бўлиб ёзувчи Жек Лондон очгандир. У “Денгиз бўриси” романида Америка қирғоқларидан Япония денгизига қимматбаҳо мўнавали денгиз мушуеини овлаш учун йўлга чиққан кемачилар саргузаштларини жуда таъсирли тасвирлаган.

Перл-Харбор воқеасини кўпчилик билса керак. Тарихни ларзага солган Хиросима-Нагасаки фожиаси изоҳларсиз ҳам маълум. Хуллас, икки мамлакатга умумий бўлган жиҳатлардан айримлари шулар. Гарчи тақдир уларни қарама-қарши кутбларда яратган бўлса-да, аммо тамаддун қойдаси чегара билмайди. Бу ҳамкорлик қандай натижа берганини аниқ далиллаш қийиндир, аммо Япониянинг атом борбардировкасидан кейинги Япониянинг бугунги дара-

жаси ҳаммага маълум. Тарихда бундай мисоллар кўп: вобасталик — умумий боғлиқлик жуда кўп ўринларда асқотган (“Ер шари думалоқ” деган гап ҳам бежизга айтилмаган чиқади!). Гап тараққиётнинг сирт бўйлаб (горизонтал) тарқалиши ҳақида кетаётган экан, бу ҳолнинг тик (вертикал) ёйилиши қойдасини ҳам эсда тутиш лозим. Негаки, кўндалангига келган ахборотни сақлаб, ушлаб қолиш учун тик устунлар жоиз, уша ўзини Япониянинг бугунги даражаси ҳаммага маълум. Тарихда бундай мисоллар кўп: вобасталик — умумий боғлиқлик жуда кўп ўринларда асқотган (“Ер шари думалоқ” деган гап ҳам бежизга айтилмаган чиқади!). Гап тараққиётнинг сирт бўйлаб (горизонтал) тарқалиши ҳақида кетаётган экан, бу ҳолнинг тик (вертикал) ёйилиши қойдасини ҳам эсда тутиш лозим. Негаки, кўндалангига келган ахборотни сақлаб, ушлаб қолиш учун тик устунлар жоиз, уша ўзини Япониянинг бугунги дара-

## ОБУНА - 2021

# Мен нима учун “Hurriyat”ни ўқийман?

Журналистика менга ота мерос. Отам “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Хатлар ва шикоятлар” бўлими мудири бўлиб ишлаган. Кейинчалик маориф соҳасида хизмат қилди. Отам ҳар кунги газеталар ўрамини қўлида кўтариб юрарди. Уни трамвай ёки троллейбусда бир шинилдан ўқиб келарди. Қолганини уйга келиб ўқиб чиқарди.



Дилбар МАХМУДОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ҳозир мен ҳам худди шу кайфиятдаман. Янги кўйлак киймасам киймадим, янги ковуш-маҳси олмасам олмадим, лекин ҳар йили “Hurriyat”га обуна бўлман. Нафақага чиққанман. Лекин газетадан бир кун ҳам узилиб қолганим йўқ. Ахир, нафақага чиқиш — ишдан чиқиш, дегани эмас-да. Донолар кексалик — аҳмоқ учун оғир юк, жоҳил учун — қиш, илм аҳли учун — айна ҳосил бериш даври, дейишди. Худдога шукр, қаламим қўлимда.

Қалам мўдом тоза ҳаводан нафас олиб туриши керак. Қалам бўлоқ сувларидан симириб туриши керак. Шундангина у оқ қоғоз устида ҳаёт ҳақиқатларини сўзлайди, ўқувчиларни ўзига ром этади. Бу борада мен “Hurriyat” газетасига суняман. Газета ахборот манбаи, тахлилчи, муталаага, янгидан-янги фикрларга чорловчи манба. У илмдан, билимдан, маданиятимиз ва маърифатли оламимиз, санъат, адабиёт, энг муҳими, қайноқ ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган янгиликларни бўямай, бежамай, унга қўшиб-чатмай, борича ўз ўқувчиларига етказиб беришга умидман.

“Hurriyat”ни яна шунинг учун ўқийманки, ундаги маърузлар, ранг-баранглар, шунга монанд муаллифлари доираси ҳам кенаяиб бормоқда. Менга сўз беринг, деган кексамми, ёшим, уй бекасимми, талабамми ҳаммага газета эшикларини очиб, Халқ қачон рози бўлади? Қачонки, кўндалангидан оқиб-оқидини сузласа, у ёки бу муаммо юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини дадил айтолса. Севимли газетамиз шу йўлдан бораётган экан, демак, у сўз эркинлигини қўллаётгани — газетани чинакам халқ овозига айлантараётгани.

Албатта, “Hurriyat” ана шундай халқ газетасидир!

## АКС-САДО

# СУВЮЛДУЗ НИМА ДЕГАНИ?

Энди бу жойларнинг номи ўзгариб кетган. Ўзгарганида ҳам улай-булай эмас, нақ амирконча — “Siti” бўпкетган! Лекигин, ана шу ситигининг ўрнида илгари бир торқўча ҳам бор эдики, номининг “Сувюлдуз кўчаси” эканини кўриб қойил қолгандим. Хаёлан, тунда сувнинг тиниқ юзюда юлдузларнинг жимир-жимир аксланиши кўрингандай бўлган.

Аммо кейин маълум бўлдики, бу ҳечам Сувюлдуз эмас, Сулдуз дегани экан. Ўтмишда туркий эллару мўғулларда Сулдуз қабиласи бўлган-да. Дўрмон, Найман дегандай. Аммо кимдир, сулдуз нимаси, деб ажабланиб, “Сувюлдуз” бўлса керак дея тусмоллаган ва ўзи топган ана шу “чиройли ном”ни ёздириб қўйган. Аслида, шу кўчада илгари ота-боболари сулдуз уруғига мансуб кишилар яшашган, бу ном бекорга қўйилмаган. “Сувюлдуз” каби “тузатма” номлар юртимизда биртапай. Тарихни шунақа қилиб бузамиз.

Ёдингизда бўлса, Мирзачўлни анча вақтлар Мирзачўлистон деб ҳам юрдик. Мирзачўл десак, яна саҳрога айланиб кетади деб гўё қўрқардик. Бешкал деган жой бор. Эҳтимол, бу жойни қишлоқ қилган дастлабки беш одам чиндан ҳам кал бўлгандир (у пайтада бу юқумли касалик бўлган). Хаёлхонаси гуллаб кетганлар уни “шоирона” қилиб Бешгул деб янгилашди. Ёки Бўз туманини олинг. Унинг ерлари бир пайтлар қўриқ бўлган. Бўз тумани деганда ота-боболаримиз ойиғи меҳнат қилиб даштни гуллагани эсга тушар, номининг ўзи — ёдгорлик эди. Уни Бўстон деб янгилаб, нима ютдик? “Хунук” номларни янгилашга киришсак, бу иш Андижоннинг энг жанубий нуктасидаги Кўрпа деган қишлоққа бўлак от қўйиш-

## ШУНДАЙ ДЕДИ



Иброҳим АБДУРАХМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирини:



Биолог ва генлар инженерлиги билан узоқ йиллар шуғулланган олим сифатида айта оламани, ушбу вакцина (корона вирусга қарши эмдори. Тахр.)нинг хавфсизлигига ишонч ҳосил қилгачина, биринчи ва иккинчи синовларидан яхши ўтгандан кейин, қўшимча эффеқтлари бўлмаган йўқми, ҳаммасини ўргангандан кейин Ўзбекистонга олиб келиш чораларига ва синовларига розилик билдирдик.

Ва бунинг билан айтишим мумкинки, биринчидан, ўзимнинг оиламда, қўнғилларда 14 кун олдин бу вакцинанинг синовини ўтказдик. 14 кундан бери бирорта ноужа таъсирлар кузатилгани йўқ.

Манба: Daryo.uz

## ГАПЛАШАДИГАН ВАҚТЛАР

# ЙЎҚОЛАЁТГАН ТИЛЛАРНИНГ “ҚИЗИЛ КИТОБ”И

«Немис миллий энциклопедияси»нинг ҳаммуаллифи, «Афанди лағифалари»нинг немис тилидаги таржумони, Урганч давлат университети профессори Атабай Жуманиёзов билан суҳбат

“Миллатни уйғотиш уйғонганларнинг вазифаси” деб ёзган эди Абдулхамид Чўлпон. Тафсил қилаётган миллатини уйғоқ бўлади. Олимлар, орифлари уйғоқ бўлган элнинг эртасини севиши кутмиш мумкин. Қуйида сизга Урганч давлат университети профессори Атабай Жуманиёзовнинг тил тақдири, таржимачилик муаммолари, этимология билан боғлиқ мулоҳазаларини тўхфа этар эканмиз, бу безоватликлар умуммиллий қайғуришимизга, жонбозликларимизга муҳтож ва муштоқ эканлигини таъкидлашимиз келди.

Атабай Жуманиёзов ҳақида маълумот: 1947 йилда Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида туғилган. Тошкент давлат Чет тиллар институтида, Германиянинг Лейпциг университети аспирантурасида таҳсил олган. Вольфганг Флайшер раҳбарлигида Философия факультети доктори даражасини олган. Европа, Америка, Австралия мамлакатларининг Тил ва Адабиёти бўлими профессори унвонини билан тақдирланган. 10 дан ортиқ дарслик ва ўқув-қўлланмалари, 150 дан зиёд илмий-оммабоп мақолапар муаллифи. 2018 йилда Давлатимиз томонидан “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Қадри юртдошлар, 2021 йил учун обуна давом этмоқда. “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Матбуот тарқатувчи” АҚ ҳамда соҳага дахлдор бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ: 233

1 Куйидаги мулоҳазалар айнан шу тушунчалар билан боғлиқлиги учун ўзимча бир нусха ясадим ва маълум ҳақиқатларни бир қур эслатдим.

Сиртдан қараганда ва мулоҳазаларни тарозига солиб кўрилса, ўзлик ва миллийлик маълум халқнинг мавжудлик тиргалари, кўзга ташланган қиёфаси. Ихтиёрдан ташқари ҳолат шундан иборатки, агар бир халқ жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини тайин этар экан, у дунё тамаддуни эришган ютуқлардан бохабар бўлиши ва мазкур бойлиқни ўзида синдириш қобилият касб этиши лозим, яъни пойгага қўшилгандан кейин ҳам ўзининг отинг бўлиши, ҳам отни бошқара олишинг лозим. Агар отга эга бўлган чавандоз уни етарли маҳорат билан бошқара олмаса, пойгада ҳеч нарсага эришолмайди. Бу бор гап. Шунингдек, оти ориқ ва заиф бўлса ҳам худди шундай манзара юзага келади: ожиз чавандоз доимо чанг ютиб, тўданинг ортида юришга мажбур, унинг бор-йўқлиги ҳам билинмайди, писанд қилмайдилар, у билан ҳисоблашмайдилар. Бу мулоҳазалар тарих ҳақиқатидан кўра жўн маиший масалага ўхшаб туюлади, бироқ ботинга назар солinsa, гапнинг бўлари шу: давра доим зўрларники бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Энди мулоҳазаларимизни олға силжитиб, кейинги қадамни кўядиган бўлсак, бугунги издиҳомда – пойгада қандай ҳолатлар кузатишмоқда? XXI аср бурҳон ва суронларга бой бўлади, кўриниши. Зеро, коронавирус деган сўз ҳеч кимнинг лугатида йўқ эди, кўзга кўринмас бу “микроб” чинакам балога айланди, одамзот олами ача додиратди. Демак, замондошларимиз томинг теласига чиқиб олдим, дея қанча айхоҳаннос солмасинлар, дунё асрорлари сирлигича қолаверади. Инчунин, қутилмаган анамал ҳолатлар рўй бераверади. Шундай шариоатда фақат сингалган, чийралган ҳақиқатларгина халқларни, миллатларни балолардан асраб қолишга қодир бўлади. Оддий ҳақиқат: тождорвируснинг авж олиб кетмаганига (ипоё, шундай бўлсин) турмуш тарзимиздаги азалий қадрият – рўздорда ва шахсий ҳаётда тозалликка, покликка қатъий амал қилишга эришганимиз сабаблардан бири бўлди, деб ўйлайман. Негаки, тозаллик, озодлик бор жойда микробларнинг кўпайиши учун муҳит бўлмайди – масаланинг энг оддий шарҳи шу!

Ҳолбуки, турмуш тарзимизда, ахлоқимизда бундай чўнг қадриятлар кўп. Демак, ҳулоса оддий – агар ўзлимизни тўла англасак ва миллий қадриятларимизга амал қилсак, ҳар қандай балони ҳам даф этадиган салохиятга эга миллатимиз. Фақат мана шу ҳақиқатни тушуниб етсак ва тўла англасак, марра бизники! Ошиғич такрорлашга тўғри келади: эртанги куннинг қалити – ўзлик ва миллийликда!

Энди энг жўн савол қандай чиқади: бу икки сеҳрли кучни, бебаҳо бойлиқни қандай топиш ёки ўзлаштириш мумкин? Уларнинг манбаси, яшаш жойи ёки қўллаш механизми борми? Бундай саволлар кўп бўлиши мумкин, жавоб эса битта – бу ҳазиналар олтин сандиқда сақланяпти! Уни оддийгина қилиб “ғаладон” ҳам деб аташди, яъни “Тарих ғаладони”. Кўриниб қоладикки, барча саволларнинг жавоби яширинган сеҳрли сандиқ мавжуд, бу Тарих, яъни ўтмиш мероси. Тарихни “ўтмиш мероси” деб аташ жуда жўн таъриф бўларди. (Типриган ҳам ташки томондан жуда жўн туюлади, фақат уни ағдариб кўрилса, жонивор эканлиги, оёқлари борлиги билинади; чуқурроқ кетилверса, унинг ҳам ўз дунёси мавжуд, насл қолдиради, ҳатто севиш туйғусидан ҳам бегона эмасдир). Шундай қилиб, неча минг йиллар тажрибаси тўпланган тарих бутун бойлиги, ҳазинаси билан бизнинг ихтиёримизда ҳозир нозир турибди.

Мавзунинг яна ҳам хусусий томонларига урғу берадиган бўлсак, кўп такрорланган чўнг ҳақиқатни яна бир марта эслаб ўтишга тўғри келади: биз жуда бой тарихга эга бўлган халқларданмиш. Бу гапни шу заминда умргузаронлик қилаётган ўзбек ҳам, туркману тожик ҳам, уйғур ҳам... илдири чуқур кетган ҳар қандай миллат вакили айтиши мумкин. Негаки, бугунги Ўзбекистон тарихини азалдан турли миллат ва халқлардан ташкил топган жамоа яратган. Улар ҳар жиҳатдан киришиб, бир-бирига сингиб кетган, ҳатто миллий белгилари ҳам аралашиб, умумлашиб қолган (шунданми, ҳазиломуз иборалар юради: “Ўзбекининг қозоғи”, “Ўзбекининг қорейси”) сингари). Бугун Ўзбекистонда яшайдиган аҳолини “Ўзбеклар” деб аташ урф бўлган. Уларнинг сафида ота-онаси бошқа миллат вакиллари, бироқ ўзлари ўзбек бўлиб кетганлар кўп ва бу ҳол ҳеч қандай моненьлик тугдирмайди. Тарих эвришлилари бир маконда яшаётган, келиб чиқиши, маданияти, урф-одатлари умумий (булар “миллат” тушунчасининг асосий белгилари) бўлган одамлар жамоасини бир тақдир билан сайладикки, энди бу ҳақиқатдан “Ўзбекистон” деган умумий номда мужасамлашган. Демак, шу маконда умргузаронлик қилган ота-боболар яратган ҳазиналар ҳаммамизнинг мулкимиз. Фақат гап энди ана шу бойлиқдан



унумли, мақсадли, самарали фойдаланишда. Бу ҳол хатоларнинг олдини олади, барча соҳани баравар ривожлантириши таъминлайди.

Замонавий тарих фани жуда ҳам бойиб, таркибидан бир неча янги тармоқлар пайдо бўлгани ҳам бор гап. Бу ҳол тарихий далилларни яна ҳам аниқлаштиришда, умумийлик, хусусийлик, яқкалик тамойили асосида ўтмиш воқелигини амалий фаолиятда қўллаш механизмининг оидинлаштиришда, чўкиб ётган миллий биқилик кайфиятининг томирига сув бермай, аксинча, бошқа халқларга нисбатан тажовузорлик ҳисларини жиловлашда, бундай ҳолларнинг оғир салбий оқибатларидан огоҳлантиришда, салмоқли ва теран бойлик ҳазинасидан фақат прогресс (илгариланма ҳаракат) учун фойдаланишга йўналтиришда қўл келади.

**...Шундай деймиз-у, лоп этиб, тилга бир савол келади: бугун тарихни ўрганиш қай аҳволда? Албатта, бу саволга турли тоифа ва даражадаги кишиларнинг ўз жавоби бор. Умумий манзара эса куйидагича экан: шу ўқув йилидан бошлаб тарих йўналишидан бошлаб тарих фанининг фақат мустақиллик даври ўқитилди дегани бўлди. Яъни, 1991 йилдан кейинги тарих ўрганилади, бошқаси эса – ЙЎҚ!**

Энди тарихни ўрганишнинг аҳамиятини аниқроқ тасаввур этиш учун бу фан соҳаларининг табиатини, яъни ўқиган одамга нима маъни беришини бир қур эслаб ўтайлик. Умуман, воқеалик – вақт – инсон муносабатларини таҳлил қилиш жуда чуқур ёндашуларни талаб қилади. Жумладан, тарих фалсафаси (фалсафа тарихи эмас) тарихий жараёнларнинг моҳиятини умумий тарзда тадқиқ этувчи илмий тизимдир. Тарих фалсафасининг ватани Шарқ, деб эътироф этилади. Дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илк тасаввурлар космогония, космология, теология тарзида кунчиқар юртларда пайдо бўлган, яъни бизнинг аجدдоларимиз биринчи марта дунёнинг яралиши юзасидан фикр юритганлар (ер юзи текислик шаклида, уни ҳўкиз шонида тўтиб туради; ёки ер олти кунда яралган, сингари тасаввурлар билан). Кейинчалик бу фанининг метафизика, гносология, логика (мантик), психология (рухшунослик), этика, эстетика сингари тармоқлари ҳам пайдо бўлганки, уларнинг ҳаммаси тарихий жараён моҳиятини (“аслида қандай эди, нега бундай бўлди?” сингари) англашга ёрдам беради.

Тарихий маданият эса вақтнинг инсон ҳаётидаги моҳиятини тушунириб берадиган маданият унсуридир. Вақт кўзга кўринмайди, ҳаракатдан тўхтамайди, инсон – мавжуд, вақт “ишлаб чиқарган маҳсулот” – воқелик инсон фаолиятида моддийлашади: шахарлар пайдо бўлади, урушлар рўй беради, денгизлар қурийдилар, одам космосга учади ва ҳоказо. Ана шу жараёнларнинг “қилиғи”ни ўрганиш ҳам катта кашфиётларга йўл очади ва ке-

лажакни таъминлашнинг хатосиз кечилишига қўмаклашади. Масалан, бизга яқинроқ мавзунли олиб қарайдиган бўлсак, “Темурийлар салтанати – воқелик, ҳўш, бу воқеликнинг инсониятга тўхфа этган меросини ўрганиш учун қайси ўлчовлар билан ёндашиш адолатли ва жонли ҳаётда қандай меъёрлар талаби билан фойдаланилади?” сингари саволларга айни шу фан тармоғи мезонини белгилаб беради.

Тарихнависликнинг ўзи бир дунё. Тарихни ёзиш масъулияти бир шахар бунёд этиш ёки улкан кашфиёт яратишдан кам бўлмаган. Унинг мезони – ҳаққонийлик, унга қўл урган шахс Ҳаққа етган бўлмоғи шарт ва ҳақиқатга амал қилишнинг қафолати сифатида тарихнавис сўзининг аввало Худо ва пайғамбарлар номи билан қасам ичган, чунки у бирор унсурни эътибордан қочирishi мумкин бўлмаганидек, бирор далилни нотўғри шарҳлаши ҳам мумкин бўлмаган. Бу хатолар, аввало, Яратган қаршисидан, қолаверса, келажақ олдидан гуноҳ ҳисобланган.

Хуллас, тарих ҳақида гап жуда кўп, бу узун далилдан қисқа ҳулоса шуки, маърифатли дунёда тарихсиз яшаб бўлмайди. Қолаверса, тарихни ўрганиш инсоннинг камолотида бошқа ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайдиган асос – устуни вази фасисини бажаради. Ҳурурнинг, ориятнинг, ифтихорнинг ёки бошқа қўллаб ахлоқий категорияларнинг таърифи аниқ эмасдир, бироқ ҳар билан таниш бўлган киши шу фазилатларни беихтиёр ўзига сингдиради. Олайлик, Соҳибқирон Амир Темурнинг тахтада масрур ўтириб, Европанинг энг шавкатли давлати ҳукмдорлиги ҳақида: “Менинг ўғлимнинг аҳволи яхшими?” деган саволини эгилар қатори эшитса, жисмида қандай ҳислар жўшади? Ёки дарё бўйида дунёни зир титратган фотиҳнинг оғзи билан очилиб, “Отанинг ўғли шундай бўлсал” деган эътирофидан кейин Султон Жалолиддин ҳар бир қалбга кириб бормайдими, ифтихор уйғотмайдими?! “Авал Ватан, кейин жон!” дея ҳайқирган аллома Нажмиддин Кубронинг давлати мийллар оша насларни жасоратта чорлайди... Тарихимизда бундай мисоллар кўп, жуда кўп. Уларнинг моҳиятини, маъни сингирмай, го, миллий го сифатида тафаккурни тўйинтирмай, инсон шахс – аниқ ижтимоий муҳитнинг фаол аъзоси бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Шахс – ижтимоий муносабатларни ўз-ўзида намоён этган фаол, яқка иштирокчи – унга берилган таърифларнинг бир қисми шундай. Демак, инсон атроф-теварақда кечаётган воқеликнинг бевосита қатнашчиси экан, унда оқни-оқ, қорани-қорага ажратадиган малака бўлиши шарт. Бу сиз шахс ё тўла шакланмаган бўлади, ё умуман мавжуд бўлмайди. Ҳамма бир хил қийинган, ҳамма бир хил ўйлайдиган оломонни кўз олдимизга келтирайлик. Уларга борлиқ бир хил тавсия этилади: куёш чиқади-ботади, уйқудан турилади-ишланади-овқат-уйқу. Бўлгани шу. Ўтмишидан, тарихидан маҳрум қилинган тўдани бошқа қандай тасвирлаш, таърифлаш мумкин? Албатта, бу издиҳомни бошқариш осон, чунки уларда борлиқ бир хилда намоён бўлмоқда. Қолаверса, бундай тўда қандайдир ижтимоий буюртманинг маҳсули бўлиши мумкин.

Афсуски, одамзот бундай қўриқликка гирифторм қилинмаган, ҳамма халқлар, миллатлар томир отган заминда туп ёзиб, гуллаб, мева тугиб, насл қолдириб яшаб келган. Дунё шу билан ранг-баранг ва жозибали, шу билан гаштли, сурурли. Минглаб фикрлар тўғилган ва уларнинг энг сараси го сифатида эътироф этилган. “Го” – нарсаларнинг абади оғдан инсон ақли билан англанадиган моҳияти” (Платон). “Ҳали тажрибада қўрилмаган ақл” (Кант). Тафаккур қобилиятига эга бўлган инсон ёрқин гоғлар билан яшаган, илгор гоғлар кишилиқни олға бошлаган, аввало, руҳан, сўнг жисмо-

нан парвозларга чорлаган. Худди шундай, кейинги ўттиз йилда ҳам тарихимиз, бой қадриятларимизга асосланган ёрқин гоғлар ўртага ташланди. Улар тараққиётга қайсидир даражада ҳисса қўшди. Бугун амалда бўлган Ренессанс гоғси ҳам тасодифан пайдо бўлмаганини ҳар бир маърифатли ватандошимиз эътироф этади. Қонунийлигининг бир асоси – юртимизда бундай ҳоллар рўй берган, бунга тарих гувоҳ! ...Шундай деймиз-у, лоп этиб, тилга бир савол келади: бугун тарихни ўрганиш қай аҳволда? Албатта, бу саволга турли тоифа ва даражадаги кишиларнинг ўз жавоби бор. Умумий манзара эса куйидагича экан: шу ўқув йилидан бошлаб тарих йўналишидан бошқа олий ўқув юртларида тарих фанининг фақат мустақиллик даври ўқитилди дегани бўлди. Яъни, 1991 йилдан кейинги тарих ўрганилади, бошқаси эса – йўқ!

Бу янгилик билан қизиқиб, турли кишиларга мурожаат қилишга тўғри келди. Улар таъкидлайдикки, 10-15 йиллардан бери олий ўқув юртларининг дарс жадвали тасдиқланмаётганда ижтимоий фанлар тизимини қисқартириш юзасидан можаро бўларкан. Фақат алоҳида кишиларнинг саъй-ҳаракати билан дарс соатлари сақлаб қолинаркан. Бу йўналишдаги фанларни қисқартириш ёки олиб ташланиши тарафдорлари юқла-малар кўпайиб кетганини ва ўрта мактабда олинган билимлар кифоя қилишини дастак қилишаркан. Ҳолбуки, тарих фани ўрта мактабларда ҳам қувғинга учраган, бу йил тенг ярмига қисқартириб ташланган эмиш.

Масалага чуқурроқ разм ташлайлик. Давлат тизимида олий таълимдан мақсад – мутахассис тайёрлаш экани рост ва тўғри. Аммо мутахассиснинг шахсияти (маънавияти, эътиқоди, маслағи, дунёқарashi) ҳам муҳим эмасми? Ахир биз глобаллашув замонага тушиб қолдик, ўзлимизни сақлайлик ва шу йўл билан ўзимизни сақлаб қолайлик, деб ҳар кунни бонг урамиз, ҳўш, бу мақсадга қандай эришамиз? Тарихидан мосуво, бошқалардан фарқ қилмайдиган ўзбек мутахассиси бир мамлакатнинг бек инсонини ёки умуминсониятнинг фарзандими? Агар биринчиси бўлса, унинг тимсолида миллат яшайди, ватан яшайди – абадий яшайди. Агар иккинчиси бўлса, жами саъй-ҳаракатларнинг нима кераги бор, ҳозир урф бўлаётган тубанликларга қўшилиб, кузатувчи бўлиб туравериш лозим. Аммо бу жуда аламли ҳулоса ва ҳеч қачон бундай бўлмайди. Ҳали эсини танимаган мактаб боласининг тарихдан олган сабоғини бутун умр бўйи етарли, деб ҳисоблаш эса нодонликдан бошқа нарса эмас. У сабоқлар ёдлаб олинган тушунчалар бўлиб, шахсининг шаклланиш босқичида тафаккурда сингмаса, боалик тушларидек бўлиб қолаверади.

Бунинг устига жуда бой анъана ва урф-одатларга эга бизнинг менталитетимизда тарихдан беҳабарлик гумроҳликка олиб боради, чунки ҳар бир одатнинг тарихини билмаса, уни тушунамайди ва қабул қила олмайди. Умуман, тарихдан бохабар бўлиш ҳар қандай ёшда ҳам, касбда ҳам маънавий заруратдир. Шундай экан, миллатдошларимиз ўқиб-ўрганиши учун умумий бўлган “Тарих китоби”ни яратиш ҳам зарурат. Унда миллий тарихимиз оммавий услубда, қисқа, аниқ ифодаланса, чалқашликларда ягона тўхтама келиниб, воқелик ҳолис ва ҳаққоний шарҳланса, қўллаб англаш имволучиларга чек қўйилган, миллати бирлаштирадиган бир маънавий робита яратилган бўларди. Шунда, эҳтимол, юртдошларимизнинг инсоний қиёфаси чинакамага мукамал бўларди, сохта гоғларга берилишлар, адашшлар кам учрарди.

Гўзал ва бой тарихга дахлдор кишилар уни ўрганишдан ўзларини бахтиёр ҳисоблайдилар!

Ҳаким САТТОРИЙ.

## УЧРАШУВ

— Айрим журналист ва жамоатчи муаллифларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритаётган материаллари фаолиятимизда туб бурилишга сабаб бўлмоқда. Чунки улар баъзи камчилик ва муаммоларни, одамларнинг дарди ташвишини “қоғозга ўрмай” олиб чиқишяпти, — дейди “Hududgaz Vuxoro” газ таъминоти филиали раҳбари Ўктам Абдиев матбуот анжумани аввалида.

## Эскирган қувурларга ишонч йўқ

Анжуманда сўзга чиққан соҳа мутасаддилари вилоятда аҳолини табиий ва суолтирилган газ билан таъминлаш ҳамда сервис хизмати кўрсатишда учраётган жузъий камчиликлар, тизимдаги муаммолар, қолаверса, газдан фойдаланишда қонун бузилишлари мавжуд экани, унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида иштирокчиларга батафсил маълумот беришди.

Албатта, вилоятда истеъмолчиларнинг кундалик ҳаётини тизимли мониторинг қилиб бориш ишлари самарали йўлга қўйилган. Зангори оловнинг бугунги кундаги истеъмоли деярли 1 миллиард 77 миллион 714 метр метр кубни, аҳолига етказилаётган суолтирилган газ миқдори эса 21601 тоннани ташкил этади. Рақамларни эшитиб, тизим муаммолардан холи экан-да, деган фикрга боришингиз мумкин.

Аммо ижтимоий тармоқларда газ таъминотидаги узилтирилган бўлаётганлиги узлуксиз ёритилмоқда. Ташкилот раҳбари табиий газдан фойдаланиш сервис хизматидаги кечикишлар ҳақида гапирар экан, табиий газни тежаб ишлатишда истеъмолчи маданияти ривож қилиш ҳақида алоҳида тўхтади. Шунингдек, бундан 30-40 йил илгари ер остидан ўтган қувурлар эскирганлиги боис, қишки босимни

кўтара олмаслиги ва бу баъзан авария ҳолатини келтириб чиқараётганлигини айтди.

Ёз мавсумида максимум босимни кўтарган қувурлар қишда айтилган натижаларни бермаётганлиги амалда кўриниб қолди. Бу аёли кунларда газ таъминотида узилтирилган бўлаётган ҳудудлар аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

“Hududgaz Vuxoro” газ таъминоти корхонасининг бугунги иш режаси қиш мавсумида аҳолини газ билан таъминлашни бир меъёрда, узлуксиз ўтказиш, табиий ва суолтирилган газни етказиб бериш, шунингдек, сервис хизматини яхшилаш, асосийси, халқни рози қилишда янги ислохотларга мос чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги билан анжуман қатнашчиларини таништиришди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари вилоятдаги туманлардан ўз телеграмм каналларига келиб тушаётган ташвишли хабарларни ташкилот мутасаддиларига етказишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Матбуот анжумани қизгин, баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Моҳира ШАКАРОВА,  
“Hurriyat” муҳбири.

## МУЛОҲАЗА

# Адолат тарозуси

“Ёшиқда олган билим тошга ўйланган нақидир”, деб бежиз айтлмаган. Шу боис, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ёшлар онгига умумтаълим мактабларидан бошлаб сингдирилса жамиятнинг барқарорлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Сабоби, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда баъзи одамларнинг ижтимоий аҳволи, яшаш шароити, касб-коридидаги муаммолар тўғрисидаги видеороликлар, мурожаатлар кўпайиб кетди. Аммо, уларнинг нечоғли ҳақиқатга яқин эканлиги ҳаммага ҳам маълум эмас. Эҳтиросга қориниқ мурожаатлар аҳолида норозиликни келтириб чиқарапти. Янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимиз аҳлининг жипслиги муҳим ҳисобланади.

Яқинда бир танишим ўзи гувоҳ бўлган воқеани гапириб берди. Унинг икки қўшнис томорқа майдони талашиб, туман ҳокимиятига мурожаат қилган экан.

Ушбу масала туман ҳокимияти биносида гувоҳлар иштирокида кўриб чиқилибди. Шунда ён қўшнис бўлган аёл киши ҳеч қимга гап бермай, фақат ўзи билганини ҳақиқат деб, бақир-чақир қилаверибди. Бунинг устига, оилавий масалаларни ҳам ўртага тўкиб солади. Мутасаддилар асосий гапдан чалғиманг, дейишларига қарамай, ўз фикрини айтишга ҳеч қимга гап бермабди. Алап-оқибат ўтказилган суриштирув ишлари натижасиз яқун топибди. Масалани ҳал қилиш эса кейинга қолдирилибди. Бу ҳам етмагандек, ариза аёл “бу аёл “шантаж” экан”, деган лақаб ҳам орттириб олган экан.

Аслида ҳам, орамиздаги кўпгина одамлар ҳуқуқ-тартибот органига қоидага риоя қилиб ўз арзини етказиб, қонуний мурожаат қилиш тартибини билишмайди. Натижада, ҳуқуқ-тартибот органлари ва аҳоли ўртасида узаро тортишувлар, кўчабоп жанжаллар келиб чиқмоқда. Оқибатда блогерлар, биринчи навбатда, ҳуқуқ-тартибот органларини айбдор қилишади. Аҳоли вакили бундан руҳланиб дардини яна ҳам баландлатиб тўкиб солади. Юқорида айтганимиздек, сўнг кимдир мурожаатчини “шантаж” экан дейди.

Албатта, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини чеклашга, қонунчиликда белгиланган ҳолатлардан ташқари, ҳеч бир давлат идораси, ташкилот ёки мансабдор шахсларга ваколат берилмаган. Бу масала амалдаги қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган.

Эндиликда, “Ҳуқуқ ва мажбуриятлар” фан сифатида барча таълим даргоҳларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Одамлар ўз ҳуқуқини ва зиммасидаги мажбуриятини билишлари керак. Барча масалалар қонун доирасида ҳал этилса, натижаси қоникарли бўлади. Қингир йўл билан қилинган ҳар қандай уришнинг оқибати яхшилиқ билан тугамайди. “Ҳуқуқ ва мажбуриятлар”нинг фан сифатида ўқитилиши, аввало, мамлакатимизда истиқомат қилаётган фуқаролар учун эркин ва фаровон яшашга қўлайлик яратди. Қолаверса, мамлакатда коррупциянинг илдизини қирқишда муҳим аҳамият касб этади.

Назира ТўРАҚУЛОВА,  
Тошкент давлат юридик университети талабаси.

## ХАБАР

# Мисни тилло қиладиган маскан

Мактабни вояга етказган авлод тафаккурини шакллантириш устахонаси, десак янглиш бўлмайди. Бежиз “Агар келажақни қўлдан қаришни истамсангиз, мактабни қўлда мустақам тутинг”, дейишмаган.

Пандемия сабабли барча соҳалар каби дарсларимиз масфадан ташкил қилинганлиги Шунга қарамай, анъанавий дарсларни ўзгача иштиёқ билан бошладик, ўқувчиларимиз шижоати асло сусайгани йўқ.

Яқинда мактабимизда “Моҳир қўлар” курик-танлови, спортнинг футбол ва мини-футбол турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Бундан ташқари, дарслар онлайн тарзда узлуксиз олиб борилаёпти.

Лобар РАҲМОНҚУЛОВА,  
Тойлок туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси.

ТАЪЛИМ

# Одамлар ўзгарса, жамият ўзгаради

Инсоният шу давргача қандай юксалишларга эришган бўлса, фан-техника, тиббиёт, адабиёт, санъат соҳаларида нечоғли улкан муваффақиятларни кўлга киритган бўлса, бу ютуқлар илдизи инсонларнинг кўнглида, тафаккурида, руҳиятида мавжуд эканлигидандир.

Чунки инсон соғлом фикрласа, уй-ҳаёлида эзгулик, поклик, ҳалоллик, миллий гуруҳ каби туйғулар яшаса, ўзини доимо халқ, Ватан хизматига чоғласа, унинг фаолияти самарали бўлади ва бу самарадан нафақат ўзи, балки атрофидагилар ҳам манфаат олади.

Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида халқимизнинг онгини, тафаккурини, дунёқарашини ўзгартириш, яхши жамият барпо этишда яхши инсонларни тарбиялаш лозим бўлади. Аслида, яхши инсонлар, яъни ҳалол, пок, фидойи, садоқатли, миллатнинг ор-номуси, шаъни учун курашувчи инсонлар қандай яралади? Комил инсон тарбияси, энг аввало, оилада шаклланади. Кейин эса боғча, мактаб ва таълимнинг кейинги босқичларида мукамаллаштириб боради. Шундай экан, асосий эътиборни оилага, ундан сўнгра таълим масканларига қаратмоқ лозим.

Маълумки, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими яхши йўлга қўйилган. Лекин йиллар мобайнида тарбия жараёнига етарлича эътибор қаратилмагани, бу борада ота-оналар ва мактаб ўртасидаги алоқаларда узилиш бўлгани, сансаларликка йўл қўйилгани бугун бор буй-баста билан қўриб қолди. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус билим юртлири ўқувчилари иштирокида майда безорилик, хуқуқбузарлик, ҳатто жиноят ҳолатлари ҳам қайд этилаётгани ачинарли, албатта.

Ана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олган ҳолда, халқимизни "Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартирамиз!" — деган ғояси атрофида бирлаштириш зарурга ўхшайди. Бугунги таълим тизимида тарбиянинг ўрни етарлича сезилмапти. Мамлакатимизда бошланган Янги Салоҳиятлар таълим соҳасида ҳам тўп бурилишни амалга ошириш кераклигини кўрсатапти. Узлуксиз тарбия тизимини яратиш, ўқитувчининг мақомини ошириш, улар учун қўлай билим олиш

"Агар мендан сизни нима қийнайди, деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси, деб жавоб бераман".

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



шароитини яратиш замон талабидир. Бинобарин, миллий ва умуминсоний кадрларни қадрайдиغان, билимли, ҳалол ва масъулиятли, ўз мустақил фикрига эга инсонни шакллантириш "Оила – мактаб – маҳалла" тамойилига асосланган таълим-тарбия тизимининг устувор вазифаси саналади.

Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" дарслиги жорий этилиши маълум бўлди. Жорий йилнинг 6 июлида Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, амалдаги "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Дунё динлари тарихи" фанлари умумлаштирилиб, таълим тизимига ягона "Тарбия" фанини киритиш белгиланди. "Тарбия" фанини 2020-2021 ўқув йилидан 1-9-синфларда ўқитиш йўлга қўйилди. 10-11-синфларда эса мазкур фан 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб жорий этилади. "Тарбия" фанининг ўқув дастурларида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, собитқадамлик, тadbиркорлик, мафзуравий иммунитет, масъулият, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, бағрикенглик каби кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Зеро, бугун юртимизда таъ-

лим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида фарзандларимизнинг келажаги, фаровон ҳаёти, тақдири ётади. Мамлакатимиз Президентининг "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам таълим соҳасига кўрсатилган юксак эътиборнинг ана бир қўриғидир. Қарорда белгиланган вазифалар моҳиятдан мамлакатимизда бошланган Учинчи Ренессанс даврининг пойдевори айнан мактаблардан бошланганини аниқлатади.

Бинобарин, бинонинг пойдевори қанча мустаҳкам бўлса, у шунча узоқ муддатга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур қарорда таълим муассасаларининг муқаддас даргоҳ эканлиги, муаллимнинг маъқеини ошириш, улар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратиш — ёш авлод келажагининг кафолати эканлиги таъкидланади. Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланар экан, фарзандларимизнинг ватанпарвар, меҳнатсевар, билимли, салоҳиятли авлод бўлиб камол топишига, таълим масканларида маънавий-тарбиявий ишларни янгиначасоода ташкил қилинишига эришишимиз лозим.

Зеро, Янги Ўйғониш даври пойдеворининг мустаҳкам бўлишига барчамиз бирдек масъулмиз!

Оттабек ЖИЯНБОЕВ,  
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"  
демократик партияси Тошкент шаҳар  
Кенгаши депутати.

ИМКОНИЯТ

Бугунги кунда йллар давомида оқсаётган, асли сердаромад бўлган қуёнчилик соҳасига катта эътибор қаратиляпти. Кластерлар ташкил этилди, қуёнбоқарларга кредитлар ажратилди, тadbиркор ва фермерларнинг ҳар бир лойиҳасига ҳуқуқатимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Натижа-чи? Натижа ҳам шунга яраша бўляптими? Сарфланган пуллар ўрни қопланяптими?



# Сояда қолаётган фойдали тармоқ

Қуёнчилик тармоғи бутун дунё иқтисодиёти ва истеъмолчи асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Йилига энг кўп (660 минг тонна) қуён гўшти етиштирадиган мамлакат Хитой Халқ Республикаси ҳисобланади. Хитойликлар нафақат гўшт, балки мўйнали ва тивит берадиган жониворларни боқишда ҳам илғор. Иккинчи ўринни италияликлар банд қилган. Бу давлатда кўрсаткичи йилига 300 минг тоннани ташкил қилади. Италияда бу парҳез гўштининг истеъмоли киши бошига йилига 5,5-6 кг. Миқдорида экан. Бу кўрсаткич Франция, Германия ва Венгрияда 2,5-3 килограмми ташкил қилади, бу мамлакатларда 65 фоиз маҳсулот кластер усулида ишлаб чиқарилади.

Соғлом овқатланишнинг замонавий тенденцияси ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг парҳез гўшт истеъмоли қилиш меъёри хусусидаги тавсиясини инобатга олсак, инсон йил давомида истеъмоли қиладиган гўшт маҳсулотларининг 5 фоизи, яъни 4,5 килограмми қуён гўшти бўлиши керак экан. Ҳозирги кунда юртимиз бозорларида, назарий жиҳатдан, йилига 150 минг тонна қуён гўшига талаб бор.

Қолаверса, ундан табиий ва қимматбаҳо мўйна олинадан. Қуён териси чарм-галантерея маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқаришда ҳам сифатли хомаш ҳисобланади. Бир килограмм қуён мўнинидан 2000 метр сифатли ип олиш мумкин. Мутахассислар таъкидлаганидек, мамлакатимизда қуён, асосан, гўшт маҳсулоти сифатида етиштирилиб, териси деярли қайта ишланмайди. Ваҳоланки, жаҳон бозоридан унинг терисига талаб анча юқори.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда қуён териси дунёда ўртача 20-25 евродан харид қилинади. Айна вақтда Европа давлатлари, МДҲда эса Беларус ва Россия бу соҳада етакчилик қилаяпти.

Қуёни турибдики, қўшимча маҳсулотлардан ҳам мўмай даромад олиш мумкин. Бу имкониятлардан юртимизда қай даражада фойдаланилаётгани, юқоридаги маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳақида Ўзбекистон Қуёнчилик ҳўжалиқлари ассоциацияси бошқаруви раиси Абдураззоқ Ибрагимовнинг фикри билан қизиқдик.

— Биз жаҳонга чарм, мўйна, тивит экспорт қила олмап-

миз. Боиси, ҳали бу маҳсулотларни қайта ишлаш тизимли йўлга қўйилмаган. Қуёнлар сўйилганда, терилари ташлаб юборилади. Тайёр маҳсулотлар эса четдан экспорт қилинади. Назаримда, бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Фақат улардан тўла фойдалана олмапмиз. Бу соҳаларни ривожлантиришга эътибор бермапмиз, холос. Тери етиштириш йўналишидаги қуёнчилик фермаларини мамлакатимиз иқлим шароитидан келиб чиқиб ташкил қилиш лозим. Боиси, об-ҳавоси иссиқ ҳудудларда сифатли тери олишининг имкониятини топишимиз керак.

Қуён терисини энг кўп импорт қиладиган давлатлар қаторида Хитой, Греция, Туркия, Япония туради. Агарда 2018 йилда қабул қилинган Европа стандартига мос келувчи тери маҳсулотлари Ўзбекистонда ҳам тайёрлана, соҳанинг экспорт салоҳияти тез суръатда ортан бўларди.

Теридан маҳсулот тайёрлашда қуёнчиликни ривожлантиришнинг энг муҳим шартини унинг саноат усулида кўпайтиришидир. Агарда хонадонларда тери олиш учун мўлжалланган зотли қуёнлар кўпайтирилса, бу ўз самарасини бериши мумкин, — дейди А.Ибрагимов.

Қуён мўйнасида чиройли пальто ёқаси, қулоқли теплаклар, ёқалиқ, нимтаки, болалар пўстинлари тайёрланса, чарм-терисидан қўлоқлар, сумкалар энгил оёқ кийимлар, тивитидан эса сифатли рўмоллар, жемпир ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш имкони мавжуд. Вога етган ҳар бир қуёндан бир йилда қарийб, 2 кг. тивит олиш мумкин. Қуён тивити ингичкалиги, пишқилги, иссиқликни яхши сақлаш каби хусусиятлари билан майда шохли моллар жўни ва тивитидан қолишмайди. Энг муҳими, 1 кг. қуён тивитидан 25 та аёллар бош кийимини тайёрлаш мумкин экан.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу узунқулоқ жониворнинг фойдали жиҳатлари бисёр. Шундай экан, мазкур тармоқни ривожлантириш айна мудоаодир. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Муъясар ИБРОҲИМОВА.

АҲВОЛ

# “Биз телевизор кўрмаймиз...”

Бугун даври замон ўзгарди. Дунёнинг нариги бурчагида юрган одам билан бемалол суҳбатлашингиз мумкин. Биз эса жонажон юртимиз қибсига қибс топаё деб илзанаётган шодкорлармиз. Негаки, жойларга бориб қолсак, ногаҳон одамларнинг танбеҳига дуч келяпмиз.

Эмишчи, биз шодкорлар элнинг дардини яшириб, чўнтагимизда сақлаб юрган эмишимиз. Тўғри сўзни ёзолмай қолибмиз, одамларнинг муаммосини газетада ёритиб, “юқори”га чиқармаётган эканмиз. Ол-а, ҳа, журналистик касби ҳам энгил бўлмай қолди, айниқса, тўя ютсам думини кўрсатмайдиганлар кўпайган дамларда. Одамлар эса: “Журналист бўлсанг ёз-да”, деб жиғилдонидан олаяпти.

Ҳар гал йўлим Сурхон воҳасига тушганда, юрагим қанот чиқариши бор гап. Қизик, инсон умри ўзи тугилиб ўсган тупроғини ардоқлаш билан ўтаверар экан-да. Ижод аҳли: “Менинг юртим тенгсиз, бебаҳо”, деб ҳатто жаннатга қибслайди. Мен ҳам кўнглим ҳақдорини қишлоқдошлар билан баҳам кўрай дедим, баалога қолдим. Қишлоғимиз оқсоқоли: “Муболага ҳам эви билан-да, муҳбир! — деди иддао билан. — Аввал юртин гулу гулзорга айланган кўйинглар, йўл бермаётганларни бундоқ ёзиб газетга чиқаринглар! Танобини есин. Сўнг бизга ҳам эътибор қаратар...”

Мана, Сарюсий — тугилган юртингиз, чиқроқ (свет демоқчи) кўрмаганига бир ойдан ошди. Қоронғида тимирскиланиб овқат пишширишда, қозонни ичига бекор юрган жонивор борки, бир тўшиб чиқади. Еганда таъминдан билиб қолсан. Мол-ҳалам мўрайвериб уйку бермайди. Чироқ лип этиб ёнса, бешкидаги чақалоқлар ҳам қўлини кўтариб қўяпти. Энди кўзгалая десанг, лип этиб ўчади.

Кейинги пайтларда одамлар майли, чирорингни кундузи икки-уч соат ўчириб, кечаси ёқиб қўй, дейдиган бўлишди. Ҳарна-да. Аммо бунинг акси — кундузи ҳам, кечаси ҳам ахвол шу. Биз телевизор кўрмаймиз, мамлакатимизда бўлаётган ислохотлар, оламда нима гап тугул, маҳаллада содир

бўлаётган баъзи воқеалардан, янгиликлардан беҳабар қолиб кетаяпмиз. Қоронғида кўчага чиқиб бўлмасам...

Бу ҳам майли, энг ёмони, бизнинг “Дийдор” маҳалламиз қўшни Тожикистон Республикаси чегарасида бўлганидан уялиблар кетамиз. Қачон қарасанг, уларнинг чирого ёниқ, бизда эса... нима дейишни ҳам билмайсан.

Ахир биз улардан анча ўзиб кетганмиз дейсанлар, қани ўзганинг? Ана у вазир (энергетика вазир демоқчи) билармикин, йўқ, билмайди, чунки сизлар ёзиб чиқармайсизлар, вассалом!”

Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам нима дейишни билмадим. Секин бошимни эгиб жуфтакни ростладим. Аслида журналистлар бу борада ёзишяпти, кунора газеталарда қиқиб турибди. Аммо натижа қонқарли эмас. Айниқса, ижтимоий тармоқлар ҳамма томонни “ёндираяпти”: одамлар қоронғида қолиб кетди, деб. Начора, вақти келиб тегишли вазирлик, маҳаллий раҳбарлар ҳадемай баҳор ашиқ қоқишини, экин-тикин борлигини ўйлашса, шароит қилиб беради, йўқса, аҳолининг қолган қисми ҳам четга ишлашга кетиб қолмасам майли эди.

Пойтахтга келибк вазирликнинг “Сўров хизмати” (справочная)га кўнгирак қилдим, балки ростданам беҳабардирлар, деб. Қани кўтаришса, бир кун вақтим кетди. Ҳой ба-

рақатопкур, деворибман овоз чиқариб, хонадошим чўчиб тушди: “Секинроқда”, деди. Нима қилай, кун узюғи Энергетика вазирлиги “Сўров хизмати”га телефон қилдим, дастанки кўтаришмади. Шунга...

Рост-да, телефонини олмасанг, “Сўров хизмати”га бериб нима қиласан, дейдиган одам йўқ.

Демак, бу “уйин”лардан уларнинг ўзлари жуда яхши хабардор.

Шу пайт укам Жаббор кўнгирак қилди, афсус ва надомат билан: “Биз Ватанинг энг чекка ҳудудда бўлганимиз учун юқоридагилар бизни бутунлай унуттишган кўринади. Давлатимиз раҳбари инсон манфаатларини давлат сиёсати даражасига олиб чиққан бир пайтда, маҳаллий раҳбарларнинг “уйин”и қаранг. Шу чироқ масаласи асабларни эгзюлаб ташлади. Нима бало, уларни инфофга чақирининг имкони йўқмикин-а?”, дейди.

Ҳа, кўнгилдаги гапларни ёзсанг дoston бўлади. Балки чиндан ҳам бугун шумболо айтганидек “шағам ёқиб ўтириш” даври эмасдир? Яна ким билди дейсиз?! Аммо, куну тун уйининг чирого ўчмайдиған мута-садди раҳбарлар Президентимиз давъатларига жавоб бериб, бир чекка ҳудудларга чиқиб, икки-уч ҳафта сафар қилса, балки инфофга келиб қолармиди...

Ахтамқули ҚАРИМОВ,  
журналист.

МУШОҲАДА

Таълимга қилнган инвестиция жамият ривожининг муҳим пойдевори ҳисобланади. Бугунги кунда инвестиция киритмасдан туриб, ҳеч қандай модернизация ҳам, янгилаш ҳам қилиб бўлмайди. Бу гапнинг яққол исботини айрим мамлакатларнинг давлат ва нодавлат таълим тизимида кўришимиз мумкин.

Хусусан, Франция, Япония, Германия ва АҚШда фан, техника, ишлаб-чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар шу даражада ривожланганлиги, бу нафақат шу мамлакат ижтимоий-иқтисодий шароитининг ривожланишига, балки уларни дунё мамлакатлари ўртасида тутган нуфузини оширишга, экспорт салоҳиятини кўтаришга ҳамда миллий валютасининг халқаро савдода кенг қўлланилишига замин яратмоқда.

# Дипломли бўлиш нима беради?

Айниқса, аҳоли сони ва унинг эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги замонда инсон капиталига инвестиция қилиш, яъни фарзандларимиз келажагига сармоя киритиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Қуйида айрим ривожланган мамлакатлар таълим тизими ҳақида икки оғиз сўз.

Францияда олий таълим тизими таркибига 87 та университет киритилган бўлиб, уларнинг учтаси миллий политехника университети, бешта нодавлат католик институтлари ва хусусий “Education and Training center”лар ташкил этилган. Мамлакат университетлари таркибига бир неча институтлар (113 та технология, 66 та мутахассислик (коллежлар), 30 педагогик) ташкил этилган. Шунинг учун Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, қисқа муддат ичида оператив ривожланиш қудратига эришган.

Япония эса 600 га яқин олий таълим муассасаларини ўз таркибига олади, уларнинг 425 тага яқини хусусий таълим муассасаларидир.

Халқаро фонд бозорига энг юқори позицияларни эгаллаб турган Германия эса абитуриент “Абитуру” дастури нодавлат таълим муассасаларида кенг ривожланган, энг қизиги, бу дастур бўйича имтиҳондан етарли баллни йиққандан сўнг олий таълим муассасасига қабул қилинади. Чунки, ўқув марказлари ва олий таълим ўртасидаги интеракция жараёни яхши таъминланган, айрим олийгоҳлар бундан ташқари қўшимча имтиҳонларни ҳам ташкил этади. Масалан, тиббиёт ва иқтисодиёт

олийгоҳларида ушбу амалиёт жорий этилган.

Дунё миқёсида иқтисодиёт ва таълим соҳаларида гегемонликка эришган АҚШда 2500га яқин университет ва коллежлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми хусусий таълим муассасалари ҳисобланади.

Биламизки, ҳар бир оиланинг ўз бюджет классификацияси борлиги реал ҳолат. Чет давлатларда фарзандлар тарбияси ва таълимга мажбурият ва ҳаёт мазмуни сифатида қаралади, бизда эса бироз бошқачароқ, яъни фарзанд таълими оила нуфузини белгилайдиган мақом сифатида эътироф этилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида давлатимиз бюджетининг 34 фоизи, яъни ички маҳсулотда эса 7,8 фоизи айнан таълим тизимини молиялаштиришга сарф этилар эди. Замон ривожлангани сари бу кўрсаткичлар пасайиб бормоқда, сабаби бюджет ўринлари қисқариб, бюджетдан ташқари фондларни кенгайтириш орқали Олий таълим муассасалари ўз-ўзини молиялаштириш вазифаси илдам сурилган, бунга бир мисол сифатида давлат олий таълимлари нисбатан “супер-контракт” тизими жорий этилиши, белгиланган баллни қўлга киритган абитуриент қонуний равишда маълум суммани супер-контракт қўришида тўлайди ва талаба сифатида қабул қилинади. Бу жараёнда иштирок этётган ота-оналарни фарзанд таълимга инвестиция қилапти дейиш бироз нотўғри, чунки ҳар бир оила бюджетда иқтисодий функция ишлаши за-

рур, агарда биз ўз фарзандларимизни нодавлат ўқув муассасаларида тайёрлашига кенг имконият яратиб берсак, олий таълимда таҳсил олиш аслида ҳаёт мазмуни эканлиги шу орқали инсон салоҳияти, маънавияти бўлиши, коммуналка эришиши, жамият-тимизнинг иқтисодий-социал ҳаётига таъсир этиши учун олий мақсад эканлиги ҳақида тушуниш ва ҳис этиш жуда муҳим.

Албатта, юртимизда талаба бўлиши истаган ёшлар жуда кўп. Уларга билим беришни истайдиган ўқув марказлари ҳам талайгина.

Шу ўринда ҳар бир оила фундаментал инвестиция ҳақида фикр юритсагина, кўнгилдагидек натижаларга эришади: Фарзандларимиз таълимга нуфуз учун эмас балки, шахсий коммуналка учун ёндашди, ўз билимларига бўлган ишончи ортиб боради, дунёқарашини кенгайтириб, ҳаётда ҳар бир нарсага ўз кучи билан эришишга одатланади.

Билатирунт пайтидаги тайёрлов курслари орқали эришилган билимлари, институтдаги таҳсил давомида теороқ ўзлаштириш учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида эса биз “супер-контракт” деб аталган каттагина маблағни тежаб қоламиз!

Дипломнинг аҳамияти салоҳиятини кўрсатиш учун йўл очади, салоҳиятсиз эришилган дипломлар эса оддий бир қўймагиз қўғоздир, холос!

Бобур ОЧИЛОВ,  
Тошкент молия институти  
ўқитувчиси, иқтисодчи.

# Одамлар қалбидаги орзу-умидлар



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "РЕЙТИНГ-2019" натижалари бўйича Давлат тест маркази таҳлилларига кўра, ўқувчиларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичлари бўйича вилоят республикада 2-урин, Навоий шаҳри эса 1-уринни эгаллади.

ОАВ вакиллари Навоий шаҳридаги Навоий-Қорақўл ихтисослаштирилган мактаб фаолияти билан ҳам танишишди. Математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган 360 ўринли маъруза мактаб интернати жорий ўқув йилидан иш бошлади. Мактаб-интернатга ўқувчиларни саралаб олиш жараёнида 5 босқичда амалга оширилди. Шунингдек, мактаб-интернатни мукамал таъмирлашга 2,8 миллиард маблағ сарфланган бўлса, 1,7 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий моддий-техника базаси билан тўлиқ жиҳозланди.

— Навоий вилояти саноат соҳаси билан бирга республикада таълим борасида ҳам етакчи ўринни эгаллаб келаётгани бизни қувонтирди, — дейди тadbир иштирокчиси, таниқли шоира Зулфия Мўминова. — Бу албатта, Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи ҳудудда улғу номга муносиб авлодлар тарбияланаётганидан дарах беради.

Пресс-тур иштирокчилари Навоий шаҳрида қад ростлаб, мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мегақўриқчи ҳам бориб кўришди. Ер усти қўриқчида пиёдалар учун яратилган шарт-шароитлар тadbир иштирокчиларнинг эътиборини тортиди.

Шу куннинг ўзида Навоий шаҳридаги тўрт юлдузли, яқинда фойдаланишга топширилган "Тинчлик плаза" меҳмонхонасида медиа-тур доирасида "Замонавий профессионал журналистикани ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмлари раиси ўринбосари Холмурод Салимов бугунги кунда профессионал журналистикани ривожлантириш янада муҳим, долзарб аҳамият касб этаётганини, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, ёш, етуқ журналистларни тайёрлаш, уларнинг билим ва маҳоратини ошириш учун ҳали кенг қўламли ишларни амалга ошириш лозим. "Устоз-шогирд" аъёнасини ривожлантириш, соҳа учун кадрлар етказиб беришчи олий ўқув юртиларида таълим олаётган йилги-қизилари амалиётга кўпроқ жалб этиш, қизиқишини ошириш, уларни муносиб рағбатлантириш бориш профессионал журналистларни вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этади.

Давра суҳбати давомида бир қатор амалий тақдирлар ҳам билдирилди. Масалан, босма матбуотни амалда қўллаб-қувватлаш, матбуот котиблари фаолиятини жонлантириш, профессионал

журналистикани қўллаб-қувватлашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари айтиб ўтилди. Конференция доирасида бир гуруҳ навойлик фаол журналистларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг, Уюшманинг Навоий вилояти бўлими томонидан нашрга тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланиб чоп этилган "Бунёдкорлик симфонияси" китобининг тақдими ҳам ўтказилди. Мазкур китобда Навоий вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида сўз юритилди. Медиатурнинг иккинчи кунги Янги Ўзбекистоннинг янги шаҳри — Ҳозгонда ва Нурота туманида давом этди. Ҳозгон шаҳри Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифи билан расман 2019 йилнинг 3 май кунини ташкил топган. Майдони 59,4 минг гектарни, аҳолиси эса 8,4 минг кишидан иборат. Ушбу ҳудуд Марказий Осиёдаги пардозбоп тошлар, хусусан, гранит ва мрамор йирик захираларига эга энг бой ҳудуд саналади.

Ҳозгон шаҳрида амалга оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2019-2020 йилларда Навоий вилоятининг Ҳозгон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида амалга оширилмоқда. Мазкур қарор ижроси юзасидан қисқа даврда жами 218 миллиард 299 миллион сўмлик ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Пресс-тур иштирокчилари ҳудуддаги энг йирик корхона — "Мрамаробод" кластер корхонасининг фаолияти билан яқиндан танишиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ва жараёнларини кўздан кечиришди. Ҳозирги кунда "Мрамаробод" кластер корхонасига тегишли 2 та қарверда янги ускуналарда гранит тошларни замонавий усулларда қазиб ишлари олиб боришмоқда. Бугунги кунда корхонада 400 нафар маҳаллий ишлар уч сменада иш олиб бормоқда.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари Нурота туманида амалга оширилаётган лойиҳалар, хусусан, "Чашма" меъморий мажмуасида олиб борилаётган беқиёс бунёдкорлик жараёнларини кўздан кечирди. Мазкур ҳудудда давлатимиз Раҳбари ташаббуслари билан амалга оширилаётган кенг қўламли ободончилик ишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тadbир давомида иштирокчилар Навбахор туманидаги "Навбахор касабачилари" МЧЖ фа-

олияти билан ҳам таништирилди. Навбахор туманининг "Қалқонота" маҳалласида ташкил этилган мазкур замонавий тикувчилик фабрикасида 100 нафардан зиёд хотин-қизлар фаолият юритмоқда. Жойлардаги ислохотларнинг самарасини мана шу корхонада фаолият олиб бораётган ишчи-ҳодимларнинг дилидаги мамнуликдан ҳам билса бўлади.

— Мен шу тумanning "Тошработ" маҳалласида яшайман, — дейди тикувчи Мадина Абдуқўҳорова. — Жорий йилнинг ноябрь ойидан иш бошладим. Унга қадар 3 ой ўқув курсларида малака оширдим. Бу даврда бизлар учун стипендия ҳам тўланди. Фабрикадаги шарт-шароитлар бизни беҳад қувонтиради.

— Оддий одамларнинг дилидаги хурсандчилик жойларда ҳаёт сифати ўзгараётганидан далолат беради, — дейди сиёсий шарҳловчи Шарофиддин Тулаганов. — Биз, Навоий вилоятида ана шундай ўзгаришлар бир неча баробар юқори савияда амалга оширилаётганини кўриб, гувоҳи бўлдик. Нафақат янги-янги корхоналар ва бошқа объектлар мисолида, балки одамларнинг кайфиятидан ҳам бунини ҳис қилдик.

Пресс-тур якунида журналистлар ҳамда вилоят ҳокими Қ.Турсунов ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими яна бир бор вилоятда амалга оширилган ишлар хусусида қисқача тўхталиб, пойтахтдан келган меҳмонларнинг таассуротлари билан ўртоқлашди.

Анжуман иштирокчилари вилоятдаги ўзгаришларни алоҳида тўққиланиб таъкидлашар экан, вилоятда иқтисодийёт билан бирга маънавий-маърифий соҳа ҳамоҳанг юксалиб бораётганлигига ургу бериб ўтишди.

Шунинг билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида вилоятда ўтказилган пресс-тур ўз ниҳоясига етди.

Энг эътиборлиси, Навоий вилоятида ташкил этилган икки кунлик мазкур тadbир журналистлар учун вилоятнинг бугунги ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

Отабек АС. ИОНОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси  
Навоий вилояти бўлими раиси.

## ЎЗГАРТИРИШ ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА

70-йиллар эди, Ҳасанбой Акбаровнинг қувончи ичига сиғмасди. Чунки, қизи тиббий билим юртига ўқишга кирди, йил ўтмай эса, тўнғич ўғли мактабни олтин медалга битириб, ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) нинг кимё факультети талабаси бўлди.

Баҳром Акбаров университетни аъло баҳоларга битириб, йўлнамани билан пойтахтдаги "Ўқитувчи" нашриётининг кимё-биология дарсликлари бўлимига ишга кирди. Бугунги кунда болалар шоири сифатида элга танилган Баҳром Акбаровнинг матбуот соҳасидаги ижодий фаолияти бошланди. Соҳасини яхши ўлаштирган Баҳром ака орадан кўп ўтмай Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг услубий қўлланмалар бўлимида иш бошлади.

# Болалардек содда, камтарин



Лекин ижодга меҳри бўлакча эди. Шу сабаб, яна кадрдон нашриётга қайтди. Шундан буюн ўқув қўлланмалари, дарсликларнинг дунё юзини кўришида муносиб хисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, болаларга аталган шеърый тўпламини нашр эттирди ҳамда чет эл адибларининг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиб кўпчиликнинг назарига тушди.

Болалар учун ёзиш осон эмас, албатта. Баҳром аканинг шеърларида болаларча беғуборлик, ҳайрат ва соддалик бор. У бир шеърда болалар ҳайратини мана шундай тасвирлайди:

**Жонотларнинг ичиди,  
Эчки билим қариси.  
Шу сабабли уларнинг  
Соқол қўйган бариси.**

Қаранг, содда ва равон. Болажонлар бир-икки ўқишда ёдлаб олишди. Муаллифнинг шеърлариغا Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг юксак баҳо бергани ижодкорни янада руҳлантирди. Унинг "Ҳайвонот олами" туркум китобларида тасвирланган айқлар, бўрилардан ташқари, дельфинлар ва динозаврлар ҳақидаги шеърлари болаларга олам-олам завқ бағишлайди. Шоирнинг "Митти ботири" номли китоби эса немис тилига таржима қилинган. Бундан ташқари, "Ғалати синов", "Ўткир зеҳнлилар" сингари китоблари чоп этилган.

Бугун "Ўзбекистон" НМИУ ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлими мудири сифатида хизмат қилаётган Баҳром ака айрим инсонларга ўхшаб ижодини кўпма-кўп қўйиб қилавермайди. 1989 йилдан бери Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, 2009 йилда "Шуҳрат" медали соҳиби бўлди.

Бир пайтлар болаларнинг севимли ёзувчиси, моҳир таржимон ва муҳаррир Носир Фозиллов ҳали унчалик танилмаган бир ижодкорнинг асарини таҳрир қилган экан. Асар билан танишган Носир Фозиллов уни ўзи ишлаётган журналда чоп

этиш ҳаракатига тушибди. Афсуски, журнал тўлиқ шаклланиб бўлган, босмахонага топшириш арафасида экан. Носир ака ҳамкасбларини ҳайратга солиб, ўзининг шу сонда кетаётган қиссасини олиб қўйиб, ўрнига ўзи хали кўрмаган ижодкорнинг асарини қўйдирган экан...

Носир Фозилловнинг назарига тушган ҳам Баҳром Акбаров эди. Бу инсон билан бирга ишлаш жараёнида тажрибали муҳаррирлигига тан берганман. Эътиборли жиҳати, яхши асар келса ўзининг нарсаларини (устозидан юққан-да) ҳеч иккиланмай четга суриб қўйишга журъд этиб етганлар сирасидан. Энг асосийси, ёзувчи ва шоирлар томонидан ҳамisha ҳурмат ва ифтихор билан тилга олинган муҳаррирлар аъёнасини муносиб давом эттирмоқда.

Баҳром аканинг ёш муҳаррирларга устозлик меҳри бўлакча. Таҳририят миридан-сиринча бўлган жараённи уларга ўргатишдан чарчамайди.

— Таҳририятга келган ҳеч бир асарга беларво бўлмастик керак, — дейди Баҳром ака ноширлик борасида гап кетганда. — Ҳар бир асарда муаллифларнинг бедор тунлари, машаққатли меҳнати ётади. Асарда йилг этган ибратли жой бўлса, муаллиф билан бирга ишласанг, ўзинг ҳам ўзгача завқ оласан.

Унинг кўпчиликка ибрат бўла оладиган фазилатларидан яна бири, у киши бир пайтлар бирга ишлаган, яъни пайтда нафақадаги ҳамкасбларни нафақат байрамларда, балки ҳар ҳафта, телефон орқали бўлса-да, йўқлаб қўйишни қанда қилмайди.

Баҳром аканинг матбаачилик ривожига қўшган ҳиссаларини кўпма гапириб қўйиб қўйиб қўйиб китоблар бунини кўрсатиб турибди.

Юсуф АБДУЛЛАЕВ,  
"Ўзбекистон" НМИУ муҳаррири.

# СУВЮЛДУЗ НИМА ДЕГАНИ?

1. Лекин... ўзгаришигаётгани йўқ-ку? Россияда Парашино, Чуваки, Гниломедово, Понец, Бухловка, Тупицино, Зажепоно сингари юзлаб қишлоқлар бор. Аммо улар бачкана "чиroyли" номлар билан алмаштирилмайди.

Чунки ҳар бир тил — қоллига тушмаслиги билан тирки. Фақат ўлик, сунъий тилларга "ғўзал" тил бўлиши мумкин. Аммо биз ўз жой номларимиздан — Ватанимиз исми-ларидан уялишни маданият деб биламиз. Журналист Камол Матёкубовнинг "Ҳасанқовоқ қишлоғи қаерда?" деб номланган мақоласи ("Нигўлат", 2020 йил 25 ноябрь) менда ана шундай таассурот қолдирди. Унда Ғалақасооб, Чигирткали, Йўғонтаёқ, Калтапўстин ва ҳоказо жой номлари "номақбул" топилибди. Ҳўш, Ҳасанқовоқ деган қишлоқ номидан нега ор қилишми керак? Ҳасан — бир одам, қовоқ ҳам Ҳудонинг бир неъматини-ку? Тошкентда туровчи, фалон қишлоқнинг номи унча ярашмапти, дарров бошқа яхши ном билан алмаштирилган, деявериш жўяли гап эмас.

Писентанда Бурганлик деган қишлоқ бор, қадимда бу жойлар сайхон бўлган, бурган ўсиб ётган. Шунинг учун Бурганлик (одамлар уни сал қисқартириб, Бурганлик ҳам дейишадди). Олой тизимидаги Бургана тоғининг номи ҳам ўша бургандан, ёнбағрида кўп ўсади. Самарқандда Бургансойи оқиб ётади. Бурган — майда шохчалли ўсимлик, ундан бургансупurgi ясалсади, у билан уй супирилса, бурга қочади, шунинг учун номи бурган.

Вилоятларимизда Серқақирлиди, Дардак, Танга-тоғди, Волиқ, Бўйдоққишлоқ, Қужон, Қорақўйли, Ки-ровчи, Бўка, Эшимқосқ, Бешқуби, Чилламозор, Чу-вама, Бўлақай, Тешикмозор, Бўланак, Оғиллик, Қа-кади, Бўрибоши, Энамяхши, Киндир, Бўтақора, Манак, Бойкечик, Қўчқорсайди, Ғўбдин сингари... бир қарашда номи ажабтовури кўринадиган юз-юзлаб қи-шлоқлар бор, барини янгилаб тугата олармикимиз? Шартми шунинг ўзи?

Ҳар бир жой номи тағида бир тарих ётибди. Шу жойнинг рельефи ё дастлаб шу ерда яшаган одам-лар, уларнинг уруғи ёки тўпи, ёҳуд қайсидир дарахт ё шу қишлоқда бир замон бўлиб ўтган ажойиб бир ҳан-гома туфайли шундай аталиб келган. "Чиroyли эмас" деб ўзгариша берсак, тарихи йўқ халққа айланамиз. Бунини киши исмларига татбиқ қилиб тушунтирсак, маса-лан, бугун Сотқин деган исм ўнғайси кўринади. Аммо Сотқин — хоин дегани эмас, у Сотиболди маъносига ке-лади, бинобарин, урф-одат, тарихий аъёналаримизни билмаганлар бунга аралашмаганлари маъқул.

Афсуски, "Ўзбек совет энциклопедияси"га ҳам, "Ўз-бекистон миллий энциклопедияси"га ҳам юз-юзлаб қи-шлоқлар киритилмаган, кирган унча-мунчаси эса шу қишлоқ ҳақидаги унча зарур бўлмаган "қайси канал-дан сув ичади", "яқин темир йўл станцияси неча км. на-рида..." каби материаллар, холос.

Масалан, Қуйчириқ туманида Гул деган қиш-

лоқ бор. У минг йил аввал ёзилган "Ҳудудул олам" китобиди ҳам тилга олинган. Аммо қишлоғининг та-рихи минг йилнинг нарисиди экани ўша ерликларнинг ўзига маълуммиким? Ана шу кабилар битилиши керак эмасми, қомус деганлариди?

Ҳозир бутун мамлакатимизда аҳоли сони ошиб, уй-жой, бошқа иморатлар қурилиб, бир-бирдан анча олис бўлган қишлоқлар ҳам ўзаро тутшиб, қўшилиб кетаяпти. Эски жойларнинг қадимий номлари ўча бош-лади. Ҳалиям бўлса, ўз қишлоғи тарихини унутмаган одамларнинг кўзи тирик вақтида улاردан фойдаланиб, "Жой номлари тарихи"ни барпо этиб, унга бутун Ўзбе-кистон бўйлаб ҳар бир қишлоқ, шаҳар, овул ва тўпур номларини, у жойлардаги кўча ва бошқа жой исми-ларини киритиб, одамлар бу жойни қачон маскан тутган, тарихида қандай муҳим воқеалар рўй берган, нега шу-нақа деб аталади, шу макондан қандай таниқли одам-лар чиққан ва ҳоказо маълумотларни киритсак, айни мудида бўларди. Юртимиз ўтмишига, миллий урф-одатларимиз-у тилимиз тарихига оид бебаҳо матери-аллар қўлга кирарди. Яъни, замонавий атама билан айтганда, жой номларининг базасини шакллантириш керак, демоқчимиз.

Ҳар бир одам Рим тарихидан хабардор бўлгани яхши албатта, аммо киндик қони тўқилган, ўсиб-ўлгай-ган, яшаб турган жойининг мазмунини биринчи нав-банда билсин. Бусиз у қаёқдан ватанпарвар бўлсин? Энди, ота-онанинг исми чиroyлими-йўқми, ёки улар кўрклими-хунқроқми, бунинг мен учун фарқи йўқ, чунки улар — отам, онам! Қишлоғимнинг номи ҳам мен учун худди ўшандай азиз. Боз, жой номларини янгилаш қанча маблағ ва овозгарчилик талаб қили-ши-чи? Бундай беҳуда ишлар пировардида одамлар онгида тарихий хотиранинг ҳам сустлашишига олиб келади. Унингсиз ҳам ҳар бир туманда ва ҳар бир ту-мандаги аксар қишлоқларда бир қоллидаги юзлаб уй қуриб, ҳатто уларнинг деворини ҳам бир тусда мalla-ранг қилиб бўяб, ўзбек қишлоқлари қиёфасини барбод қилиб бўлдиқ. Ҳолбуки, ҳар бир қишлоқ ва овул ўзига хос номи, бошқа қишлоқларга ўхшамайдиган қиёфаси билан киши хотиридан унутилмас жой олиб, ватаннинг бир парчаси бўла олади.

Зухриддин ИСОМИДИНОВ.


**ТАҲРИРИЯТДАН:** газетамизда яқиндагина эъ-лон қилинган бир мақола сабаб, юқоридаги мулоҳа-залар битилгани бизни хурсанд қилди. Чунки мат-буот — эркин минбар.

Қолаверса, муаллифнинг гапларида жон бор. Та-рихи неча юз-юз йилларга бориб тақаладиган асл миллий ўзбекча номлари асрашимиз керак. Уларни ҳуда-беҳудага ўчириб юборилишига биз ҳам қарши-миз...

Айниқса, ушбу мақолани жой номлари билан шугулланувчи атамашунос мутасаддилар ўқиши ва ўқишларини истардиқ.

## ШАХСИЙ ФИКР

**"Болалар бизнинг келажакимиз, эртанги кунимиз, келажак ворислари"... Шу ва бошқа баландпарвоз гапларни ҳар кунни эшитамиз. Ватан, миллат, маърифат, одаимийлик, садоқат тушунчалари аслида бола онгига қандай синғдирилади?**



# "Мажбурий-ихтиёрий" бир баҳона

Масалан, менинг бололигим ўтган асрнинг 70-йилларида кечган. Ота-онам Янгийўл туманининг 10-мактабиди ўқитувчилик қилишган. Раҳматли отам қисман мактабда кутубхоначилик ҳам қиларди. Ҳар йили куз фаслидаёқ отам синфма-синф юриб, синф раҳбари билан ўқувчи-ларни болалар нашрлари "Тонг юлдузи", ўша пайтда (Ленин учқуни) газетасига, "Гулхан", "Ғунча" журналларига оубна бў-лишга қизиқтирар эди.

Болалар газетаси ва иккита севимли журнализмнинг синфда пайдо бўлиши байрамдек гап эди. Икки акам болалар газетасига, мен "Ғунча" журналга оубна бўлардим. Ўтин ёриш, печкага кўмир та-шиш, ўн қақирим наридаги қудуқдан сув ташиб, тандир-уноққа ўт қалаш ва бошқа юмушларни учиб бажарар эдик. Тезроқ танча атрофига чўкиб, дарсларни бажа-риб, янги севимли газета-журналларни қўлга олесик, деб.

Отам кутубхонадаги сиёсий газеталарни ёнидан жой ақратиб, журнал ва га-зеталарни сонма-сон тикиб борар, ўқув-чилар билан баъзи-баъзида уларда бе-рилган қизиқ ҳикоя ва эртаклар юзасидан суҳбатлар уюштирар эди. Ғолиб ўқувчи-ларни яна янги эртак ёки ҳикоялар тўп-ламани билан рағбатлантирарди.

Нима, ўша пайтда оубна баҳоси арзон-миди? Эҳтимол, бугунги кун билан солиштир-ганда бироз арзон бўлгандир. Лекин ин-сонлар маънавиятга чин дилдан ин-тилувчан эди. Далага чиқсак, кимдир талқон, кимдир майизни бир парча газе-та ёки журналга ўраб борса, таомдан олдин уни ўқишга тушардик.

Ижодкор ўқитувчи сифатида Ватани-мизнинг турли жойлариди ёшлар билан учрашаман. Ҳар гал ҳок марказда, ҳок қишлоқда бўлсин, энг аввало, мактаб ку-тубхонасига мўраалайман. Жавонларда терилган бир-бирдан чиroyли муқо-вали китоблар, сиёсий газета-журналлар

ёнида негадир бизнинг ярим аср аввал чўғ солган "Ғунча", "Гулхан"ларнинг ло-ақал бир донасини ҳам кўрмайман. Бир-икки йил бурун бир мактабнинг фаол (ўз ишининг моҳир устаси, педагог) — раҳбари ҳамкасбларини газета-журнал-ларга оубна бўлиш керак, дегани учун ишдан олинганди.

Бугун эса баъзи газеталарга мақола кўтариб борган ҳаваскор ижодкорга "Ав-вал шу газеталар оубна бўлгин, кейин мақолангиз босилади", дейишларини ҳам эшитаяпмиз.

Самарқанднинг Пастдарғом қи-шлоқларида яшовчи ота-оналардан бири кечалари биз томонда свет, яъни электр чироғи ўчади, шундай бўлса ҳам шам ёдусида "Гулхан", "Ғунча" журналларини болаларимиз билан ўқиб ўтирамиз, де-ганларини эшитиб қойил қолдим.

Ақсарият мактабларга кириб, ўқувчи-лар билан икки оғиз суҳбатлашмоқчи бўл-сангиз, раҳбарият илоҳо, гап яна оубнага бориб тақалмасин, дея "типириллашадим".

Бувижон сифатида невараларим билан бир ишга "бел боғладик", кам бўлса ҳам, эски сонлари бўлса ҳам энди, "Ғунча", "Гулхан"ни йиғамиз.

Мен чин дилдан халқ таълими вази-рлиги ва бошқа юқори ташкилот мутасад-диларидан илтимос қилган бўлардимки, ўрта мактабнинг биринчи синфидан "Алифбед", "Ўқиш", "Тарбия" ва бошқа ки-тоблар қаторида "Ғунча", кейинроқ "Гул-хан" журналларидан, ўрта синфларда "Тонг юлдузи" газеталарининг матери-аллари билан ўқувчилар, албатта, танишиб боришлари керак.

Яна бир гап: синф раҳбарлари, она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун дарсдан ташқари машғулотларда маъ-навият соатларида, қолаверса, турли бошқа тadbирларда босма матбуотдаги материаллар тайёр кургазмали курул вазифасини ўтайди. Улардаги эртак, то-пишмоқ, тез айтишлардан фойдаланса яхшироқдир.

Агар педагог, масалан, фалон тўғрак машғулотнинг мавзусини "Ғунча"нинг фалон сонидан олдим деса, унга фақат қўшимча рағбат бўлади, холос. Зеро, ҳар бир ўқитувчиларнинг давлат ўқув дастурига қисман 30 фоиз ўзгариш киритишга тўлиқ ҳақи бор.

2021 йилда ҳар бир синфга, оилага республикада чоп этилаётган газета ва журналларнинг чўғи кириб борса дей-ман. Бу учун эса ҳаммамиз, ҳар биримиз курашишимиз лозим. Ахир, оубна керак-мас, деган фюқрдан ҳалос бўлишимиз ке-рак. Унга юрагимизнинг, қалбимизнинг, уйимизнинг энг муҳташам қисмидан жой ажратмасак, келажакнинг қотилига айла-нишимиз тайин.

Безиқ давлатимиз раҳбари бу йил ўқитувчилар ва мураббийлар кунини му-носабати билан қилган нутқида газета ва журналларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритмадилар. Аммо минг афсуски, халқ таълими тизимида Юртбошимиз даъват-ларига қониқарли жавоб беришмаяпти.

"Мажбурий-ихтиёрий", деган баҳона билан оубна масаласига эътибор қа-ратилмаётир. Айрим ўзини "ҳаммадан ақли, биланон", деб билувчи блогер аталмишлар, ёҳуд баъзи бир сайт та-шкил қилиб олганлар эса гўё "халоскорлар" каби оубнага қарши тош отишмоқда. Бу ҳатти-ҳаракатлари билан эса маънави-ятга қарши "жон қойитишаётганлигини" билишармикан?

Муҳайё ТҮЛАГАНОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.



ПУБЛИЦИСТ ЎЙЛАРИ

# МЕНИНГ

# ЎЙИМ

### ВАТАН ҚАНДАЙ ҚУРИЛАДИ?

Узоқ йиллар бурун шоир Шавкат Раҳмон Дўрмонда уй кура бошлайди. Ҳар шанба-якшанба кунлари бориб ишлайди, қора меҳнат қилади. Шунда ёзувчи Шукур Холмирзаев унинг ёнига ўтиб: "Шоир, шеърингни ёзсанг-чи, ана, "Селхоз"нинг ректорига айтаман, укамиз бўлади, талабаларидан юборадим", деса: "Йўқ, Шукур ака, мен ватан кураман, ватаним ўзимнинг кўлим билан қуришим керак", дея жавоб берган экан.

Ҳа, ватан шундай барпо этилади. Ватаним ўз кўлимиз билан курсак, унинг қадри бўлади, қиммати ошади. 2019 йили Абдулла Қодирий уй-музейига айлантирилган хонадондаги икки қаватли сич уйни, ғиштли шийпонни ёзувчининг шахсан ўзи қўллади билан қўрган экан.

Айтганча, бугун сич, пахса, лойсувоқ, сомонсувоқ, қумсувоқ, лўмбозли, пастка уйлар қуриш жудаям қамайиб бормоқда. Бу каби уйлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлган. Уларни қишда иситиш учун унча кўп иссиқлик ҳам керак бўлмаган.

Аммо XIX асрнинг ўрталарида ишлаб-чиқариш, фан ва техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган замонавий архитектура, металл (пўлат) қазиш, қайта ишлаш технологиясининг ривожланиши архитектурада қўрилган ўзгаришларга олиб келдики, бу ўз-ўзидан XX асрда юртимиз ҳудудига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. "Янги архитектура" бу давр талаби, албатта. Лекин нима учун асрлар синовидад ўтган ўз қадимий архитектурамиздан бугунги қурилишларда деярли фойдаланмапмиз. Ахир уларни янги архитектуранинг замирига синдириб юбориш мумкин-ку!

### ҚОДИРИЙНИНГ УЙИНИ КИМ ҚУРГАН?

Абдулла Қодирий уй-музейи директори Хондамир Қодирийнинг айтишича, унинг архивда отаси Ҳабибулла Қодирий расмон Алишер Мирзаевга айтиб туриб чиздирган боғ-хавлиннинг эски кўриниши акс этган сурат бор экан. У ерда ҳамма нарса оддий эмш: пахса ва лойсувоқ деворлар ва ҳоказо. Назаримда, музей ана шу сурат асосида қурилганда ўз замонасига мос бўлган бўларди. Унинг ҳозирги кўриниши устунли айвонлардан иборат, яъни аслига қараганда дабдабалироқ экан.

Давлат раҳбари ташаббуси билан қурилган, 2019 йил 26 декабрь кун очилган Абдулла Қодирий ижод мактаби, "Турон" кутубхонаси, "Абдулла Қодирий" музей биноларидан аънавий архитектура билан замонавий архитектура ғоят уйғунлашган. Масалан, бинонинг таши деворлари лойсувоқ қилинган, айвонларига устунлар ўрнатилган. Бино ичкаридаги шифтлар, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг парталари XX аср мактабларини эслатади.

Афсуски, Ўзбекистонда бугун жуда кўп мусулмонлар католикларнинг черковига ўхшаган катта-катта, баланд-баланд уйлар қуришмоқда. Кўчирмақаш архитекторлар интернетдан лойиҳаларни кўчириб оляпти ва талабдорларга гўёки "чизиб" беряпти-қўяпти. Ҳайҳотдай уйларни иситиш учун эса жуда кўп электр, газ керак бўлмақда. Назаримда, бу қўриб чиқилиши керак бўлган улкан муаммо. Тўғри, бетон ва пишган ғиштли уйларнинг "умри" узоқ бўлади. Аммо менимча, бу каби уйларни қу-

ришда ҳам замонавийлик билан қадимги аъналаримизни уй-ғуллаштириб юбориш керак.

### МАҲАЛЛАДА ҚУРИЛГАН "ДОМ"ЛАР

Яна бир муаммо. Ҳозир ҳовлили маҳаллаларда кўп қаватли уйлар ҳам пайдо бўляпти. Яъни, тадбиркорлар эски, дейлик олти сотиқлик жойни сотиб оляпти ва у ерга ертўла ва 4 қаватли уй қуриб, 10-15 та қаватли сифатида сотяпти. Шундан сўнг, бу иншоотнинг каналлизация, электр токи, газ, сув, чикинди, автотураргоҳ сингари муаммолари пайдо бўляпти. "Дом"нинг тепадаги деразаларидан кўшни хонадоннинг ҳовлиси бемалол кўриниб туради. Бундан эса, уйи паст бўлиб қолган кўшнлар норози. Масалан, 2018 йилнинг июнь-июль ойларида аҳолидан тушган ана шундай мазмундаги шикоят хати асосида "Ўзбекистон-24" телеканалдан Юнусобод тумани Туркқўрган маҳалласига сўйма қарор берди. Юсупов фамилияга тадбиркор маҳалланинг бир нечта жойидан эски уйларни сотиб олиб, уларни бузиб, ўрнига уч-тўрт қаватли, кўп хонадонлар қуриб ташлабди. Юнусобод туманининг ўша пайтдаги ҳокими Бахтиёр Абдусаматов билан учрашдим. У вази-ратни ўрганиб, бунинг ҳокими-ятта алоқаси йўқ, бу ҳақда ҳеч қандай қарор чиқармаганман, бу Давлат хизматлари агентлигидан рўйхатдан ўтадиган иншоотлар, деб тушунтириш берди. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармасининг Юнусобод тумани филиали мутахассиси Шарофиддин исми ака билан гаплашдим. У бинонинг туман меъмори томонидан тасдиқланган лойиҳа асосида қурилган, кадастр йиғма жилди шакллантирилгани, аммо иморатга эгалик ҳуқуқи берилмаганини айтди. Авваллари бу эгалик ҳуқуқи ҳокимнинг қарори билан қонунлаштирилган, энди эса бу ҳуқуқ Давлат хизматлари агентлигидан олиняпти экан. Бунда ҳам қомиссия тузилиб, унинг далолатномаси ҳулосасига кўра эгалик берилар экан. Ушанда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош қармасига ҳам бордик. Юнусобод тумани меъморини қидириб, Аммо туман меъморини Исқандар Бойназаровни топа олмадик. Қўнғироқ қилдик, "больничник" даман, деди. Ишончасидагилардан сўрадик, "больничник"си тугаган дейишди, қайта қўнғироқ қилдик, телефонни ўчирилган бўлди. Саволларимизга бошқа ҳеч ким тайинли жавоб бермади.

Меъморни топа олмаганимиз боис ўшанда кўрсатув эфирга берилмай қўлиб кетди. Бошқа лавҳалар билан чалғиб, шундан сўнг бу мавзуга қайтмадик ҳам. Қаранг, ҳамма муаммодан ўзини олиб қочади. Муаммо бор. Айбдор эса йўқ. Уйлайманки, аҳолининг шикояти бугун ҳам ўз ачирини топмаган. Балки давлат хизматлари агентлиги қўшнларини норози қилган "дом" эгасига эгалик ҳуқуқини берган-дир, балки йўқ, буниси менга қоронги.

### СТАДИОН ЎРНИГА ХУСУСИЙ КЛИНИКА ҚУРИЛМОҚДА

Келажак ёшларники, деймиз. Улар мамлакатнинг эртаси бўлиши учун эса жуда кўп соғлом бўлиши кераклигини кўп айтаммиз. Аммо бунинг учун шароит яратиш жуда муҳим эканини доим ҳам англамаймиз. Масалан, мен аввал яшаган хундуд — Алимкент маҳалласида

Яшнобод тумани ҳокими Дилмурод Турдиевнинг 2017 йил 18 июлдаги "Замонавий маҳалла" лойиҳаси асосида маҳалла марказлари ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари ташкил этиш учун ер майдони ажратилган ҳақида"ги қарори билан тадбиркор мавжуд спорт майдонини бузиб ўрнига маҳалла биносини қурди. Эвазига лойиҳа ичида кишики сузиш ҳавзаси бор бўлган маиший хизмат уйи учун унга жой ажратилди. Ушбу ҳужжатга эса гўё Президентнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асос қилиб олинган. Аммо ҳар иккала ҳужжатни ҳижжалаб ўқиб чиқдим, уларда спорт майдони ўрнига маҳалла маркази қуриш ҳақида ҳеч гап йўқ. Нега унда улар бундай қилишди?

Масалага янада чуқуროқ ёндашсак. Алимкент МФЙнинг неча йилдан бери фойдаланиб келаятган бир қаватли биноси бор эди, ҳозирги кунда мазкур бино бошқа маҳаллаларда қурилайтган замонавий маҳалла марказларидан қолишмайди. Лекин ушбу бино 2-секторга бериб ўборилди. Модомики, Алимкент МФЙнинг аввалдан "ўтирган" ўз биноси бор экан, нега унда уларга янги бино керак бўлиб қолди? Нега ўзи ўтирган яхши бинони бошқа ташкилотга беради?

Яна бир гап. Маҳалла биноси бошқа ташкилотга бериб юборилган экан, унга бино қуриш керак экан, нега айнан спорт майдони бузилиб, унинг ўрнига қурилиши керак? Маҳалла худудига бошқа ташкилот ҳудуд камми? Маҳалла маркази барибир ҳам қурилиши керак экан, бинони ўша ташкилот ҳудудларда қуришсин, шунда бир қадар сўнг Бобоходжа Курбановга нисбатан кўзгалган маъмурий суд иккинчи маротаба бўлиб ўтган. Биринчи суддан сўнг Бобоходжа Курбанов: "...бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тўхтатилган ва бу ҳолат бошқа такрорланмайди", деб ўз қўли билан тушунтириш хати ёзиб берган, шунга қарамасдан, у қуришда давом этипти.

шени бузаяпти. Қаранг, стадион, спорт майдонининг тўртдан бир қисмига бир қаватли маҳалла биносини қуриб бериш эвазига тадбиркор стадион, спорт майдонининг тўртдан уч қисмига хусусий клиника қуриб олиши адолатданми? Аҳоли энди чиқиб у ерда футбол ўйнамайди, спорт билан шуғуллана олмайди, дам ололмайди. Болалар-чи, қаерда ўйнайди, қаерда спорт билан шуғулланади энди?

Қизик, фуқаролар ушбу ишлардан норозилигини билдириб, кўп жойга боришади, шикоят қилишади. Қилинган мурожаат уларнинг "бахтига" яна айланиб, Яшнобод тумани ҳокимиятига келаверади. Демак, туман мутасаддиларига спорт майдонидан кўра, хусусий клиника биноси керак, келажак авлодининг соғлом бўлиши уларни қизиқтирмайди.

Ариза ва мурожаатларимиз футбол тўпидай копток қилиб тепилди. Отанга бор, онанга бор тарзида. Энг қизиги, Тошкент бош плани лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институтидан қурилишга рухсат берилмагани тўғрисида жавоб олдик. Кайфиятимиз кўтарилди. Кайфиятимизни туширадигани эса қурилиш давом этипти. Шаҳар бедарвоза, деб шуни айтишсалар керак-да.

2018 йил июнь ойида Яшнобод тумани Маъмурий судида Тошкент шаҳар архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан Алимкент маҳалласида спорт майдони (стадион, болалар майдончаси, турник, брус ва бошқалар) ўрнига маҳалла биноси, маиший хизмат уйи қураётган "Sargav baraka" ХК раҳбари Бобоходжа Курбановга нисбатан кўзгалган маъмурий суд иккинчи маротаба бўлиб ўтган. Биринчи суддан сўнг Бобоходжа Курбанов: "...бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тўхтатилган ва бу ҳолат бошқа такрорланмайди", деб ўз қўли билан тушунтириш хати ёзиб берган, шунга қарамасдан, у қуришда давом этипти.

### БОЛАСИ ЙЎҚ ОДАМ ҲАҚИҚАТ УЧУН ҚУРАШИШИ МУМКИН ЭМАСМИ?

Қурилиш бўлаётган ҳудуднинг ёнидаги уйда яшайдиган 83 ёшли Флюра исми татар кампир бор. У "бечора" бу ишлар болалар тарафига ҳал бўлишига бош-қош. 2018 йили мутасаддилардан бири ўзи ўриндиққа ўтириб олиб, кампирни эса тикка турғизиб қўйиб: "Сизнинг футбол ўйнайдиган болаларингиз йўқ-ку, юравериб безор бўлмадингизми? Одамлар номидан мурожаат қилиш учун нотариусдан ишончнома олишингиз керак! Бўлмаса, сизни уч суткага қаматтириб юбораман!" деб таҳдид қилибди. "Қамат!" дебди ҳеч қандай қўрмай қўйган опа. Қанақа ишончнома? Қанақа ўзи болалари? Эй, номард! Ўзбекистон болаларининг келажagini ўйлаш ўз болаларининг келажagini ўйлашдан кўра юксакроқ фазилат эмасми? Бўралатиб сўкким келди. Аммо тилимни тишлайман. Флюра опа йўлтўсарнинг юзига айтганидай, у шу гаплари билан ичини кўрсатди. Афсуски, бундай йўлтўсарларнинг бадбўйи ачиган тухумдай бўрқисб ётибди бугун. Уларни топиб, сассиғини кетказиш учун эса йиллар кифоя қилармикан?

Опанинг айтишича, баъзи эсини еганлар уни ҳатто жинихонага ётқизмоқчи ҳам бўлибди. Агар бирор кун, Худо

кўрсатмасин, Флюра опа жинихонага ётқизиладиган бўлса, биз ҳақиқатни ўз кўлимиз билан "псих больница"га топширган бўламиз.

Ўқиган бўлсангиз, Чехов ҳикояларининг қаҳрамонларини кўз олдингизга келтиринг! Масалан, бормаган жойи қолмаган чолу кампир ноҳақ қамалган ўғлингнинг иши бўйича охири шифокорга мурожаат қилади. Қандай даҳшат-а?!

\*\*\*

Бундан икки йиллар аввал хохис одамлар, хохис раҳбарлар Алимкент маҳалласига келиб, ҳақиқий вазиятни ўрганади, аҳоли билан мулоқот қилади, уларнинг бу ишларга муносабатини — рози ё норозилигини сўрайди, ким бузган бўлса, Алимкентнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг соғлом бўлиб воёга етиши учун спорт майдонини тиклаб беради, деб умид қилардим. Аммо у умид бугун сўнди.

Стадионимизни бузишганда менинг болаларим йўқ эди. Энди фарзандим бор, бироқ мен у манзилдан кўчиб кетдим. Лекин Яшнобод туманидаги Алимкент маҳалласида болалар кўп. Улар энди футболни кўчада, подьездлар олдидаги бетон йўлакда ўйнаша мажбур. Бундай ҳолатларни кузатиб туриб ичим ачийди.

Яна футбол бўйича жаҳон чемпионатида чиқа олмапмиз, дея жар соламиз. Мана, болаларга муносабатимиз. Уларга футбол ўйнашга шароит яратиб бериш ўрнига, бор спорт майдонини бузиб, ўрнига пултоларни хусусий клиникалар қураверсак, қайданам "мундиал"га чиқардик?!

### УЙНИНГИЗ "СНОС"ГА ТУШСА...

Адашмасам, 2015 йили Тараққиёт (ҳозирги Махтумқули) кўчаси уйдирилиб, Паркент, Темур Малик, Оҳангарон кўчаларига обориб уланадиган бўлди. Натижада Яшнобод туманида жойлашган 22-авиашаҳарча худудидagi 18 хонадон яшайдиган кўпқаватли қурилишга рухсат берилмагани тўғрисида жавоб олдик. Кайфиятимиз кўтарилди. Кайфиятимизни туширадигани эса қурилиш давом этипти. Шаҳар бедарвоза, деб шуни айтишсалар керак-да.

2018 йил июнь ойида Яшнобод тумани Маъмурий судида Тошкент шаҳар архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан Алимкент маҳалласида спорт майдони (стадион, болалар майдончаси, турник, брус ва бошқалар) ўрнига маҳалла биноси, маиший хизмат уйи қураётган "Sargav baraka" ХК раҳбари Бобоходжа Курбановга нисбатан кўзгалган маъмурий суд иккинчи маротаба бўлиб ўтган. Биринчи суддан сўнг Бобоходжа Курбанов: "...бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тўхтатилган ва бу ҳолат бошқа такрорланмайди", деб ўз қўли билан тушунтириш хати ёзиб берган, шунга қарамасдан, у қуришда давом этипти.

### ЭНДИ МЕНИНГ ҲАМ УЙИМ БОР

Мақоламни некин тарзда тугатгим келди. 2020 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 110 аъзосига Қозиробот маҳалласида Президент қарори асосида қурилган кўп қаватли хонадонлар ипотека кредити асосида берилди. Йиғирма йилга. 110 киши ичида мен ҳам бор эдим. Тўғри, уч хонали уйимиз кичик ўлчамли, тўртинчи қаватда жойлашган. Аммо икки деразаси ва очиқ айвонининг эшиги кунчиқарга қараган, бошқа икки деразаси эса кунботарга қараган. Яъни, куннинг ҳар қандай маҳалида ҳам уйимизга қуёш нури тушиб туради. Эшик ва деразаларининг ҳаммасидан йўл, анҳор кўриниб туради. Яқинда қор ёғиб, кечаси ҳарорат -8° даражагача тушганда, энг кичкина хонамизда жон сақладик. Демак, кичик ўлчамли уйларда ҳам мана шундай ҳикмат бор экан.

Насиб этса, бир кун мўъжазгина ер олиб, уй қурайдиган бўлсам, албатта, шоир Шавкат Раҳмонга ўхшаб ватанимни ўзим қураман. Уйнинг атрофини ёғоч ё бетон сич қиламан, ичига пахса девор ураман, томи пастрок бўлади, устини лўмбоз қилиб ёпанам, деворларини лойсувоқ ё қумсувоқ қиламан.

### Фозил ФАРҲОД

## ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

### АМЕРИКА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

АҚШнинг 40 дан ортиқ штатлари "facebook"ни судга берди. Компания АҚШ монополияга қарши қонунларини бузганлиқда айбланмоқда.



Давоғарларнинг таъкидлашича, компания рақобатчиларни ноқонуний равишда сотиб олиш орқали илтимой тармоқларда устунлик қилган. Масалан, "facebook" "Инстаграм" ва "Ватсуп" мессенжери каби гигантларни сотиб олди.

Шу билан бирга, ЮТуб видеохостинги Қўшма Штатлардаги сайловларда фирибгарликка оид ҳар қандай видеони олиб ташлаган. Компания маълумотларига кўра, сентябрь ойидан буён улар "ўтган сайловлар тўғрисида ёлгон маълумотлар" тарқатадиган саккиз мингдан ортиқ канал ва минглаб видео нашрларни ўчириб ташладилар. Айни пайтда АҚШнинг 17 штати Техас судининг Америка сайловлари натижаларини кўриб чиқиш тўғрисидаги даъвосини қўллаб-қувватловчи ҳужжатни Олий судга топширган.

### ЭКОЛОГИЯ УЧУН АЧИНАРЛИ РЕКОРД



Ўтаётган йил яна бир қайгули рекорд сифатида тарихга киради. Инсоният томонидан яратилган материаллар ернинг бутун биомассасидан устун экан.

Сунъий антропоген масса — бетон, металл, ғишт, асфальт ва пластмассадан

иборат. Айни пайтда, бу чиқиндиларни ҳисобга олмаганда ҳам бу жуда муҳим даражага етди!

Олимплар 20-асрнинг бошларида инсоният томонидан яратилган буомлар огирлиги дунёнинг умумий биомассасининг тахминан 3 фоизини ташкил қилганини аниқладилар. Аммо 2020 йилда сунъий огирлик ернинг умумий огирлигидан ошиб кетди!

Фақатгина инсон томонидан ишлаб чиқарилган пластмасса миқдори бутун қуруқлик ва денгиз ҳайвонларининг умумий огирлигидан юқоридир.

### ЮТУБДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР РЕКЛАМА ҚИЛИНМАЙДИ

Ютуб спиртли ичимликлар ва қимор уйинлари ҳақидаги рекламаларни чеклашга имкон беради.



"Гоогле" ўз хизматларида маълум тоифадаги товарлар ва хизматлар учун рекламаларни намойиш қилишни чеклайдиган янги созламаларни тақдим этди. Биринчи қизғариш "Ютуб"га салбий таъсир қилади — фойдаланувчилар спиртли ичимликлар ва қимор уйинлари бўйича камроқ реклама видеofilъмларини кўриш истагини билдиришлари мумкин.

Қўшма Штатлардаги фойдаланувчилар биринчи бўлиб "Ютуб"даги чекловларга кириш ҳуқуқига эга бўлишди. Бошқа мамлакатларда бу хусусий 2021 йил бошида пайдо бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Россияда "Реклама тўғрисида" ги қонуннинг 21-моддасида алкоголли махсулотларни Интернетда реклама қилиш тақиқланган — бундай рекламаларни "Ютубда", на "Гугл"нинг қидирувлариди кўриш мумкин эмас. Онлайн казино рекламаларига ҳам йўл қўйилмайди.

### ҲИМОЯСИЗ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ



Япониянинг Фукуока университетининг мутахассислари коронавирусдан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган юз ҳимоя воситалари самарасиз эканлигини аниқладилар. Уларнинг топилмаси "Суюқликлар физикаси" журна-

лида чоп этилди.

Бунинг учун олимплар касал одам йўталганда ёки аксирганда пайдо бўладиган ҳаво оқимининг динамикасини таҳлил қилдилар. Тадқиқот доирасида мутахассислар, юз ҳимоя воситасида одамни 1 м. масофада акса урса нима бўлишини моделлаштирдилар ва у фойдасиз эканлигини аниқладилар.

### ҚИШЛАЁТГАН ИЛОНЛАРГА ХАЛАҚИТ БЕРМАН!

Германия экологлари шундай талаб билан чиқишди

Германиядаги суд Тесла янги электр транспорт воситалари заводи учун ўрмонларни кесилиш тўхтаб туришига мажбур қилди. Экологларнинг фикрича, дарахтларни кесиш бу ўрмонда қишлайтган илон ва калтакесакларга халақит бериши мумкин.



Суд регулятор ва Тесла билан маслаҳатлашадиган сўнг вазиятни қайта кўриб чиқишини айтди. Экологлар Тесла заводи учун 82,9 гектар қарағай ўрмони кесилганидан шикоят қилдилар. Бранденбург Табиати муҳофазат қилиш уюшмаси (НБФУ) фаолларининг фикрича, бу ўрмон илонларнинг қиш уйқусини бузиши мумкин.

Тесла ўзининг биринчи Европа заводиин Берлинда қуради. Тесланинг таъкидлашича, ўрмон бўлгаи каналлизация тармоғини ва омборхонани қуриш учун жуда муҳимдир.

2019 йил ноябрда Маск компаниянинг Европадаги биринчи автомобил йиғиш заводи (Гигафактория) Берлиннинг янги аэропорти яқинида қурилишини эълон қилди.

### СААКАШВИЛИНИНГ РАФИҚАСИ СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

Саакашвилининг рафиқаси Берлинда Басаевнинг ҳамкасбини ўлдириш бўйича сўроқ қилинган



Грузиянинг собиқ президенти Михаил Саакашвилининг рафиқаси Сандра Рулофс Берлинда Чеченiston дала қўмондон ва Шамил Басаевнинг шериги Зелимхон Хангошвилини ўлдиришда гувоҳ бўлганлиги ха-бар берилмоқда.

Ушбу иш бўйича навбатдаги суд мажлисида Берлин терговчилари Релофс Хангошвили ўлдирилган кун Германия пойтахтида бўлганлиги ва у билан учрашини режалаштирилганлигини айтди. У Германияга гувоҳлик бериш учун келишдан бош тортиди ва терговчилар билан телефон орқали гаплашди.

Шамил Басаев ва Аслан Масхадовларнинг яқин шерикларидан бири сифатида тилга олинган Хангошвили 23 август кун Берлин паркида бошидан отиб ўлдирилган. Қотилликда гумон қилинган, 49 ёшли Россия фуқароси ҳибсга олинган. Германияда у Россия махсус хизматлари билан олақода бўлганлиқда гумон қилинган. Ушбу иш бўйича суд жараёни 7 октябрда бошланган. Хангошвилининг ўлдирилиши тўғрисидаги дипломатик жанжал авж олди, Германия 4 декабрь кун Россия элчихонасининг икки ходимини мамлакатдан чиқариб юборганини эълон қилди.

Интернет хабарлари асосида Г.МАТЁКЎБОВА тайёрлади.

# ЙЎҚОЛАЁТГАН ТИЛЛАРНИНГ “ҚИЗИЛ КИТОБ”И

1 — Сиз юртимизнинг катта олимларидан бири-сиз. Қолаверса, таниқли шоир Матназар Абдулҳакимнинг сизга бағишлаб ёзилган “Этимология лугати” шеърини ҳам яхши эслаймиз: Демак, сўзда риё имкони йўқдир, Сўз яшайди, бизга фидо этиб жон. Бизлар сўзни сотиб қўямасак, басдир, Сўз бизни сотмайди ҳеч қачон!..

Ва албатта, Сизнинг улкан тил мутахассиси эканлигиниз ва шунинг баробарида уйбу шеър ҳам бизни сизнинг илминиздан, суҳбатиниздан баҳраманд бўлишга чоғланишимизга туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. Айтинчи, айнан немис тили, немис адабиетига қизиқиш сизда қандай пайдо бўлган?

— Тилга қизиқишимнинг аънаваный сабаблари бор. Болагимизда мактабларда чет тили фани ўқитилмаган. Шунинг баробарида чет тилини билиш ҳар бир совет фуқароси учун зарур, деб қаралган. Шу асосда мактабларимизда Европа тилларидан — инглиз, немис, француз ва испан тилларидан биттаси ўқитилган. Энди буларнинг ўқитилиши сиёсат билан узвий боғлиқ эди. Аввало, бу каби масалалар собиқ иттифоқнинг Европа давлатларига бўлган муносабатидан келиб чиқиб белгиланган. Француз, немис тиллари уларга, яъни собиқ Совет мафкурасига яқин бўлган тиллар саналган, Пётр I каби хужронлар дарида ҳам бу тиллар сарой тиллари даражасида эди.

Бу албатта, менда мактабдалигимдаёқ катта қизиқиш уйотган. Таҳсил олаётган мактабимизга амалиёт ўташга бир ўқитувчи келди, унинг ҳар бир ўтган дари мен учун қутилмаган янгилик эди ва ана шу сабаб мен бу соҳага қизиқа бошладим. Қолаверса, Отам ҳам шуни истаган, ё чет тили, ёки математика фани ўқитувчиси бўлишимни маслаҳат берган эди. Шу билан чет тили мутахассислигига ўқишга кирдим, ўқитиши тугатган, Урганч давлат университетига даға юборилдим. Биласиз, университет ишга кириш жуда масъуляти жой, аввало, талабаларни яхши ўқитиш керак, яхши ўқитиш учун ўзинг яхши ўқитиш керак. Меҳнат қилдим, изландим ва шунинг натижасида шу соҳада нималардир қилдим ва қила оламан, дедим.

— Атабай ака, эшитишимизча, Германияга бориб яшаган экансиз, аспирантурада ўқигансиз, бир неча бор малака ошириб қайтгансиз. Немис тили ва адабиёти мутахассислари билан ҳозир ҳам алоқа қилиб турсангиз керакми?

— Мен олий таълим соҳасида ишлаш жараёнида немис тили дарсликларига катта эҳтиёж борлигини сездим. Натижада дарсликлар ёзиб тайёрлашга киришдим ва улар Тошкентда, Германияда чоп этилди. Шунингдек, Германияда яшайдиган ўзбеклар учун ҳам дарсликлар тайёрланди. Германиянинг Гумбольдт университетида талабалар ўзбек ва турк тилларини ўрганишди. Немисларнинг турклар билан алоқаси жуда яхши, Германия аҳолисининг 10 фоизини турклар ташкил этади. Бизларнинг руслар билан алоқамизга 150 йил бўлган бўлса, немисларнинг турклар билан алоқа ўрнатганига 350 йил бўлган. У ерда миллиати турк бўла туриб, Вазир даражасига кўтарилган одамлар борлигини яхши биламиз. ГДР пайтида Лейпциг университети билан ҳамкорлик алоқаларимиз яхши бўлган, мен ўзим ана шу ерда ўқиганман. Берлинда Гумбольдт университети, Эркин университети бор, шулар билан ҳамкорликни доимий ва давомли тарзда олиб борамиз. Берлинда Гумбольдт университетида ўзбек тили бўйича ўқитган талабаларга эркин машулотлар олиб борганман. Гумбольдт университети профессорси турколог олина Ингеборг Балдауф, Берлин Эркин университети олимаси Зигред Клайнмишел билан ҳамкорлик қиламиз. Зигред Клайнмишел немис тилида тайёрланган дарсликларимизнинг ҳаммуаллифи ҳамдир.

Ҳар йили ўзимиздан 3-4 нафар талабани Германияга ўқишга юборамиз. Энди талаба алмашиш тажрибаси билан Австрия ҳам қизиқа бошлади. Уларнинг ўқитувчилари бу ерга келиб 2-3 ой дарс ўқитишди, бизнинг ўқитувчилар эса у ерга ўқишга, малака оширишга боришди.

— Нуфузли немис миллий энциклопедияси (Brockhaus)нинг ҳаммуаллифлари сафида бор экансиз...

— Немис энциклопедиясининг дастлаб 10 жилдигини, кейин 30 жилдигини чоп этишди. Энциклопедия тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон ҳақида маълумот сурашган ва мен тайёрлаб беришга ҳаракат қилганман. Энциклопедияга Ўзбекистон ҳақида унча катта эмас, 7-8 бет атрофида маълумот киритилган. Бироқ шундай нуфузли энциклопедияга Ўзбекистон ҳақида киритилиши севинарли ҳол, албатта. Қишлоқ хўжалиги, маориф, тиббиёт соҳасидаги ҳамма маълумотларни тайёрлаб бердим ва натижада шу энциклопедияга мени



хаммуаллиф қилишди. Кейин нашриёт 30 жилдлик энциклопедияни менга почта орқали жўнатди. Буни қўлга олиш, дунёнинг қайсидадир жойларида сен тайёрлаган материалларнинг қилларгадир асқотиши жуда севинарли ҳол.

— Суҳбатимиз Германия ва немисларнинг маънавий-маърифий дунёси ҳақида кетар экан, биз учун бу жуда қизиқарли: айтинчи, у ерда оддий одамларнинг китобга муносабати қандай?

— Европада зиёлилар ҳам, оддий одамлар ҳам китобни жуда азиз тутишади. Китоб дунёни билиш, номаълум нарсани маълум бўлиши, жуда бўлмаса, фарқлаш учун керак бўлади. Ўзи “илим” номаълумни маълум қилиш, аслида “фарқлаш” дегандир. Инсон бутун умри давомида иккига ажралади: бу — яхши, бу — ёмон, деган. Рухий томондан ҳам иккига ажралади: маъқул, номаъқул. “Маъқул”нинг ўзагида “ақл” бор. Демак, яхши-ёмонни, маъқул-номаъқулни фарқлашда китоб асосий манба ҳисобланади. Энди немисларга келадиган бўлсак, улар ўта ақли халқ. Ақли халқ эса китобсиз яшай олмаслиги аниқ. Ҳатто Москвага борсангиз, метрога тушар экансиз, бундан ўтирган одамни кўрмайсиз, деярли кўнчилиги китоб ўқитган бўлади.

Немислар ноширлик борасида дунёда биринчи ўринда туришди, ахир. Мен улар билан бирга яшаганман, буш вақти бўлиши билан китоб ўқишди. Негадир, улар телевизор кўришмайди, деярли кўришмайди. Бизда эса телевизор кўрсин-кўрмасин, кун бўйи ўнинг туради. Улар теледастурлардан ўзи кўрадиган маълум кўрсатувларга белги қўйиб қўйишади ва фақат шуни кўришади. Бироқ бешўхтош китоб ўқишларини биламан.

— Ёшлари ҳам кўп китоб ўқишадими?

— Катталари ҳам, ёшлари ҳам шундай, жуда китобхон. Мен немисларни бир оғиз таъриф билан “Мукхасидан китобга берилган халқ” деб таърифлашим мумкин. Улар орасида хозиргача, китоб энг яхши совға саналади. Китоб ўқир экан, келган жойига — орасига бир гул қўйиб қўйишади. Уларда ҳам интернет ракета тезлигида ўчади, ижтимоий тармоқлардан бутун дунё халқлари каби немислар ҳам унумли фойдаланишади. Бироқ бу халқ орасида китоб энг қадри, энг кўп ўқилдиган восита бўлиб қолаётгани ҳайратланарли.

— Мана бизда ҳам рағбатлантириб, ҳатто автомашиналар соега қилиб ёшларни китоб ўқишга қизиқтиришга уринишмоқда. Нима деб ўйлайсиз, бу бирор-бир натижа бериши мумкинми?

— Бу ҳолатда ёшлар китобни ўқиш учун эмас, рағбат учун ўқийди-да. Бу билан халқни китобхон қилиб бўлмайди. Ҳақиқий китобхон одам машина бериш эвазига кимдир китоб ўқитганини курса таажжубланади, янаям аниқроғи, қулади.

— Суҳбатимиз китоб, тил масаласида кетаяпти. Буеунга кундаги тилга муносабатлар сизда қандай фикрлар пайдо қилади?

— Тарихимизга назар солсангиз, бизда алфавит 4 марта алмашди. Ахир буларнинг ҳар бири ривожланишнинг, тараққиётнинг оёғига урилган болта-ку. Ўзимизни “Ўзбек” деб атаймиз-у, алфавитимизда юмшоқ “ў” харфи йўқ. Ўзбеклигимизни ифодалайдиган “у” харфига эга эмасмиз. Бошқа харфини ёзиб “у” деб талаффуз қиламиз.

Мен Қўшқўпир туманидан бўлганлигим сабабли йўлда эътибор қилганман, кўзим тушади, туман марказига кирар-веришда “Welcome to Qo’shko’pi” деб қўйилган имло хатолари билан ёзиб қўйишди. Энди бу ерда яшайдиган тур аҳоли қўшқўпирликлар, яъни ўзбеклар бўлса, қани айтинг-чи, бу ерга қачон бир инглиз келадими бу хатоларга тўла жум-

лаларни ўқийди? “Қўшқўпирга хуш келибсиз!” деб ёзиб кўйверса бўлади-ку! Дўконларимиз ҳам шунақа. Наҳоти қачондир келадиган битта инглизни деб ўз халқимизга ва ўз тилимизга нописандлик қиламиз, тилимизни ва ўзимизни хорлаймиз? Муайян тилларнинг дунёга ёйилиб бориши муайян маънода сиёсат билан, муайян маънода ўша тилнинг маънави билан боғлиқ бўлади. Кейин халқнинг муайян маънодаги интилиши ва истақлари билан ҳам боғлиқдир.

Инсон табиятан ялқов. Масалан, “дорихона” — бунда саккиз товуш бор. “аптека” да эса олти товуш. Албатта, табиятан ялқов бўлгандан кейин саккиз товушли “дорихона” сўзини талаффуз қилгандан кўра олти товушли “аптека” сўзини айтиши афзал кўради. Аслида тилнинг таназзули, ҳалокати учун ҳар биримиз у ёки бу даражада ҳисса қўшяпмиз.

— Бу ерда тилларнинг ўзаро олдиди-бердиси ҳам бор. Четдан сўзларнинг кириб тилимизга ястаниб ўрнашиб олишини нима деса бўлади? Тўғри, бу ҳолни тилимизнинг бойлишига хизмат қилади ва ҳокazo дейишимиз мумкиндир, бироқ бу ўз сўзларимизнинг йўқолиб кетишига замин яратаяпти-ку?

— Ҳар бир сўз ўша халқнинг кашфиёти. Чунки у ўша нарсани сезди, ҳис қилди ва унга ном берди. Дейлик, “рентген” нима учун шундай номланди, чунки шу одам уни биринчи бўлиб кўрди ва кўрсата олди. Ҳозир энг бўли тил араб тили, у ярим миллион сўз бор. Бизники эса бир миллион тўрт ўн минг сўз. Арабларда сўзлар биздан уч марта кўп. Демак, улар биздан кўра уч марта кўпроқ нарсаларни ҳис қилишган: кўрган, эшитган, билган, еган, ичган.

“Изоҳли” луғатимизда 80 минг сўз бор. Бироқ ишлатиладиган сўзлар бир миллион икки юз — бир миллион тўрт ўн минг атрофида деб айтаилади. Кўряпсизми, шу ерда ҳам икки юз минг сўзнинг сарсон қилаямиз. Инглизлар бир миллиондан ортиқроқ сўзлар киритилган лугат тузишди. Мана бу қўлимдаги лугат — немисларники, ярим миллион сўз киритилган. Биз эса ҳалиям 80 минг сўзда юрибмиз. Шундай бўлсак, бошқа тиллардан сўз оламиз-да, олмасликнинг иложи борми? Тинимсиз янгиликлар бўлганди, янги номлар кириб келяпти. Албатта, бизда бўлмагандан кейин улар ўз номи билан кириб келади. Тўғри, янги сўзларнинг муқобил варианты бўлади, бироқ муқобил сўзларнинг маъно тафовутлари ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Масалан, бизнинг тилимизда “област” деган сўз бор эди. Ҳозир у “вилоят” сўзига ўтиб ўрин алмашди. “Вилоят” арабча сўз, “муқаддас ер”, “замин” дегани. Шунингдек, санскрит тилидан келадиган “биродар” сўзи бор. “Брат”, “brother” ҳаммаси бир сўздан олинган. Агар бу-гунги кунда “биродар” сўзини ишлатадиган бўлсангиз, аввало, бирор-бир диний маъзаб тушунилади. Шундай қилиб, тилимизга, сўзларимизга талафот етаверди-да...

Қўл телефонни инглизлар “Ҳенди” дейишади, биз ҳам кейин қўл телефон дейишни бошладик. Кўряпсизми, бизда ҳам янги маъно кашф этилди. Ушбу чо-надаги предмет ва жиҳозларнинг номларини олайлик “ойна” — арабча, “лампа” — грекча, “карта” — санскритча, “пол”, “патолак” — урисча, “шкаф”, “эшик” — форсча, “қопи” (эшик) — туркий сўз, “эшик” — форсча(шкаф сўзидан), “доска” — русча, кўряпсизми, ҳозир ўтирган жойимиздаги деярли ҳамма сўзлар бошқа тиллардан кириб келган экан. Дейлик, япон тили шундай бир тилки, ундаги сўзлар бутун дунё тилларидан тўп-ланган. Уларнинг сўзларини бу ундан — буниси ундан деб айтиб бўлмайди. Ўзи тилларни бўлганда япон тили алоҳида туради. Ҳеч қандай оилга қирмайди. Шу

маънода бошқа тиллардан сўз олмасликнинг иложи йўқ.

— Яхши биламиз, ҳар бир даврда тилни сақлаш, бойитиш масаласида зиёли қатлам бош қотирган. Айтинчи-чи, буеун тилларнинг йўқолиши ёки ҳалокат ёқасига бориб қолишининг олдини олиш, уни муҳофаза қилиш учун нима қилиш керак?

— Дунёда йўқолиб бораётган қўшлар, ўсимликлар ва жониворлар учун “Қизил китоб” бор. Бироқ йўқолиб бораётган тиллар учун “Қизил китоб” йўқ. Бугунги кунда опти мингта тил бўлса, уларнинг анаси ҳалокат ёқасида турибди. Мана биз нима ҳақида қайғуришимиз керак.

Хоразмнинг Қўшқўпир туманида “Иттифоқ” хўжалиги бор. У ерда форсийлар яшашади. Оллоқулихоннинг ўғли Раҳмонқулихон 1825 йилда уларни олиб келган. Мана улар 200 йилда тилини

гил ўргатилади, уни чуқур билишга ҳожаат йўқ эди. Уйлаб қарасам, немис тилидан шунча машаққат билан олган билимларим йўқолиб бормоқда. Чунки дарс ўтиш жараёнида немис тилида гапирадиган гапларим оддий гаплардан иборат бўлиб қолмоқда. Ана ўшанда ўқиганим бор эди, тилни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли таржима билан машғул бўлишдир, деган. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш керак ва яна шу тилга қайтиш керак. Кейин таржима билан шуғулланишни бошладим. Қатъий бир қарорга келгач, собиқ иттифоқ даврида Москвадаги “Прогресс” нашриётига қатъ эдим. Улар менга немис тилидан ўзбек тилига эмас, немис тилидан рус тилига таржималар қилсам ёрдам беришлари мумкинлигини маълум қилишди. Бу эса мени янаям аниқроқ қарор қабул қилишимга ёрдам берди: ўзбек тилидан немис тилига таржималар қилишга киришдим.

Бу учун немисларнинг ўзларига мурожаат қилишга тўғри келди. Охир оқибат “Афанди латифалари”ни таржима қилиш ишини бошлаб юбордим.

Немис ноширларининг хайрихоҳлиги сабаб 1000 дан ортиқ Афанди латифаларини немис тилига таржима қилдим. Нашриёт муҳаррирлари буларнинг орасидан 500 тасини саралаб олишди ва меннинг таржимамдаги “Афанди латифалари” китобини немис тилида нашр этишди. Орадан бироз фурсат ўтгандан кейин мендан таржимон сифатида розилигимни олиб, чўнтақкоп китоб кўринишида ҳам чиқаришди.

— Таржимонлик фаолиятингизни қайси асарлар билан давом эттиришсиз?

— Ишимиз, биласиз жуда эътибор ва билим талаб талаб қилади. Таълим, илим билан шуғулланиш ва шунинг баробарида таржимани бирга олиб бориш жуда мураккаб иш. Истасангиз-истамасангиз баъзида бир томонлама кетиб қолишга тўғри келади. Чунки орада мен ўқитиш ишлари билан банд бўлиб, таржимадан бироз муддат нафас ростиламан пайларим ҳам бўлади.

Кейинги босқич таржималарни бошлашимга таниқли шоиримиз Баҳром Рўзимухаммад билан давом эттиришсиз?

— Миллат йўқолмас, тил йўқолмайди ва ёки аксинча, тил йўқолмаса, миллат йўқолмайди. Дейлик, Германияда 300 та шева бор. Ҳар бир вилоятнинг ўз гаетаси бор. Охириги варағи ўзининг шеvasида чиқади. Энди Хоразм шеvasига келадиган бўлсак, унинг шу иқлимда яшовчи кишиларнинг аҳоли руҳиясини ифодалайдиган сўзлар талайгина. Баъзан адабий тилдан кенроқ жиҳатларини ҳам кузатаман. Масалан, “ютмок” феъли бор: дейлик, шашкада ютмок, овқатни ютмок. Бу адабий тилда фақат “ютиш” шаклида ишлатилади. Хоразмчада эса “овқатни ютасиз”, шашкада утасиз. Ёки “турмок” сўзи ҳам худди шундай маънога эга. Адабий тилда битта, бизда эса икки хил шаклда ишлатилади: ўрингандан тур, “Дур” (тўхта) маъносига. Бундай мисолларнинг бир қанчасини келтириш мумкин. Ана кўряпсизми, тил биз кўрган, сезган нарсаларга ном бериш учун яралган. Тил ҳар бир нарсасга алоҳида ном беришга кучли ва қудратли бўлади.

— Узоқ йиллардан бундан талабаларга немис тилида дарс бериб, шу тилнинг қулай ва нуқуллай жиҳатларини кузатиб юрган олим ва тил мутахассиси сифатида немис тилига қандай таъриф берасиз?

— Немис тили бой тил, катта тарихга эга тил, аниқ тил, фикр айтиш ва уни ифодалаш учун нихоятда қулай тил. Одам бу тилда эшитса ҳам, гапирса ҳам тушунилиши нихоятда осон. Фикр бошқа бир томонларга кетиб қолмайди. Бу тилда нарсасардек номланади ва изоҳга ҳожаат қолмайди. Бу тил орқали дунёни аниқлаш муайян маънода энгил кечади, яъни агар ўзимизнинг тилимиз билан қийнайдиган бўлсак, дейлик, “Кўле” сўзини ишлатадиган бўлсак, қўёнинг далили қўёш-да, “офтоб”, “ёриткич” каби бошқа далиллардан қочадим одам. “Нон”ни — нон, “она”ни она деб тушуниш керак. Агар “нон”ни — егулик, “она”ни — бизни дунёга келтирган зот дейдиган бўлсак биз асл сўздан қочган бўламиз. Ана шу маънода немис тили нихоятда кучли тилдир.

— Таржимонлик соҳасидаги ишларни изга туширишимиз учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Энди таржима ва таржимачилик борасида қилишимиз керак бўлган ишлар ҳали жуда кўп. Чунки, бу соҳада маълум бир тизим йўқ, таржимонлар уюшмалари йўқ. Бу собиқ иттифоқ даврида жуда яхши йўлга қўйилган эди. У даврда тизим, изчиллик, рағбат ҳаммаси бор эди. Жаҳон мумтоз адабиёти намуналарининг энг сараларини таржима қилишга шу учун ҳам айнан ўша даврда амалга оширилган. Бугун эса ким нимани хоҳласа таржима қилиб китоб ҳолида нашр этиб ётибди. Унинг таржима сифати, даражаси, маҳорати ҳақида қайғу-малчилик қизиқшимизга сабаб, 80-йилларда олий ўқув юртиларидан рус тилини ўқитиш қўлайи кетдию, чет тилларга қизиқиш сувайди. Шунда биз мутахассис бўлмаган ихтисосликлар учун чет тилини ўқита бошладик. Бу жараёнда тилни ен-

хошиши ва иқтидоридан келиб чиқиб қилнадиган заҳматли бир иш. Мени бунга қаршилик йўқ. Чунки ҳар бир ўқувчи ўзининг таъби ва дидига қараб асарни қўлга олади ёки олмайди.

Таржима жараёнида у мутлоқ таржимоннинг асарига айланади. Дейлик, “Мона Лиза”ни бошқа руссам ҳам чиқиши мумкин, бироқ бу чизилгач, Леонардо Да Винчининг эмас, бошқа расмоннинг “Мона Лиза”сига айланади. Таржима ҳам худди шундай иш. “Немис балладаси”ни бир немис яратди. Мен уни ўқиб худди ўша “Немис балладаси”ни ўзбек тилида яратаман. Тўғри, асар Гётеники, бироқ унинг таржимаси ўзбек тилида яратилар экан, у муайян маънода сизнинг ҳам асарингизга айланади. Улар “таржима”ни “Übersetzung” деб айташади. Бу бир нарсани бошқа жойдан олиб келиб бошқа бир жойга қўйди деганидир. Бу биздаги “ағдарди” сўзига ҳам тўғри келади.

— Бизда таржима ва таржимачиликни тушуниш, уни баҳолаш мезонлари дунё, хусусан, немис таржимонлари ва назарётчилариникидан фарқ қилса керак?

— Бизнинг айнан ўзбек таржимон ва назарётчиларининг таржима тўғрисидаги фикрлари бироз бошқачароқ. Биз таржимани аспиятнинг айнан ўзи деб тушунаемиз. Дейлик, оддий “нон” сўзи, биз уни русчада “хлеб” деб атаймиз. Ахир “нон” “хлеб” эмас-да. “Чойнак”ни араб тилига “Абрик” деб таржима қилишибди. “Абрик” “чойнак” эмас, “обдаста” у.

Таржима ута мураккаб жараён, бу жараёнда биз айнан аспиятти бермоқчи бўламиз, бунинг эса ҳеч ҳам имкони йўқ. Бъззи сўзлар, тушунчалар бир халқда бор бўлса, у иккинчи бир халқда йўқ. Шу маънода, таржималарни солиштирмоқчи бўлсак, аввало, таржимон асарининг, сўзининг, тилнинг руҳига қара олган ёки қара олмаганлиги жуда муҳимдир. Қолаверса, бунга хоҳиши ва вақти бўлиши ёки иши билан бевосита боғлиқ бўлиши зарур.

Масалан, Эркин Воҳидов Гётенинг “Фауст” асарини ўзбек тилига таржима қилган. Гарчи асар рус тили орқали таржима қилинган бўлса ҳам фикрларнинг раван ва тиниқлиги, таржимоннинг маҳоратини кўриб қувонсан, баҳра олсан. Асар одатда бир тилдан таржима қилинганда 30 фоиз, иккинчи тил орқали ўтирилганда эса 60 фоиз қийматини йўқотади. Эркин тушунчани, фикрни бериш Бирин ақда жуда раван ва гўзал келган. Мана бу асарнинг таржимаси бизни қанчалар қувонтирган бўлса, ҳозирги таржималардан қониқиб ҳам, қувониш ҳам озроқ бўлмоқда.

Мен ўз таржималаримни доим аспиятти билан бирга бераман. Чунки тилни биладиганларнинг, мутахассисларнинг мулоҳазалари доим мен учун қизиқ. Астойдил таржима билан шуғулланадиган мутахассислар бунинг ўқиб, ўз баҳосини бериши мумкин. Менинг университет талабалари учун чиқарган қўлланмаларим қайсида маънода зарурат нуқтаи назаридан қилинган бўлиши мумкин. Бироқ таржималарим қалб хоҳиши билан қилинган. Гарчи матбуотда эълон қилмаган бўлсам-да ўзим ҳам, болаларим ҳам шеър ёзамиз. Ўзимизнинг оилавий шеърят альбомимиз бор.

— Ҳаёт мазмунини нимада кўрасиз?

— Бешта сезги аъзоларимиз орқали сеза олганларимиз конкрет бўлади, сеза олмаганингиз эса абстрактдир. Энди сиз шуларни мушоҳада қилдингиз. Ҳамма нарсани кўриб туриб, номлама-сангиз фарқлаб бўлмайди. Ном аслида фарқлаш учун зарур. Номлаш учун эса сўз керак. Сўзининг асосида ҳақ нарсаси предмет ва тушуна, унинг ўртасида эса маъно ётади. Фақат тушунача эмас, мушоҳада қилиш бор. “Мушоҳада”нинг ўзагида эса “шаҳид” сўзи мумқасам. Мушоҳада бу сизнинг тафаккур жараёнинингиз. Масалан, “уй” деймиз, ўй бу — бирор нарсани билишга қилинган ҳаракатдир. Тафаккур шуни мушоҳада қилиш жараёнидир. Тасаввур қилганда эса расми кўз олдингизга келади, фикр эса хулосадир.

— Сўзларнинг маъно мазмунини изоҳлаб, тушунамизга жойлаб қўйишимиз бизни жуда хайрон қолдираятми. Биз ижодкорлар хавёга берилувчанми. Бу ҳақда нима дейсиз?


— Ҳаёл бу — руҳнинг ҳаракати ифодаси. Ҳозир сиз бутун ҳаёлингиз билан мендасиз, яъни мени тинглайсиз. Агар сиз Тошкент ҳақида ўйласангиз, ҳаёл ҳам Тошкентга кетади. Рух кўрган нарсасини аниқлашга ёрдамлашади, кўрган нарсасини нима эканлигини аниқламаган одам жинни бўлади. Еган-ичган нарсасининг таъминини биламайди. Улар руҳан озим одамлардир.

Китобларда Аллоҳ таоло одамни лойдан яратди ва пуфлаб жон киритди, дейилади. Дарахларга сувни берди — жон, ҳайвонларга қонни берди — жон, одамга эса сувниям, қонниям ва нафасни ҳам берди. Рух Аллоҳники, у учун на вақт, на замон бор. Рух учун ҳам йўқ. Рухнинг кўриниши эса ҳаёл. Одам ҳаёл сураётганда пайтада турсангиз йиқилади ёки “ҳей” десангиз чўчиб кетади. Чунки бу пайтада рух бошқа ёқда бўлади. Рух билан ўтган замонга бориб келиш имкони бор. Сизга Аллоҳ таоло шундай қувват берган. Келажакка бориб келолмайсиз. Ҳаёл руҳнинг кўриниши, руҳнинг ифодасидир. Ҳаёл вақт билан белгиланмайди. Масалан, ҳозир ҳаёлингиздаги ер шарининг энг узоқ бирор жойига бориб келинг, унча вақт кетмайди-ку. Аллоҳ учун вақт йўқ. Сония, лаҳзалар эса, вазиятдан қутулиш учун ўзимиз ўйлаб топган нарсалардир.

— Мароқли суҳбат учун ташаккур, домла.

Гўзал БЕГИМ суҳбатлашди.

# Осмон бўйлаб оқиб боряпман



Турсун Али

**ВАТАН  
КЕЧТИКЛАРИ**  
Баъзида шеър ҳам зерикарли,  
Уйга сўймай қоламан гоҳо,  
Мен руҳимга излаб тасалли,  
Сукунатзор кезаман танҳо!

Ўзга мени кўрмасин, майли,  
Тоғу тошда кечсин кунларим.  
Ўнқир-чўнқир эрса-да йўлим  
Ўзимники ҳатто тунларим.

От соламан гоҳ даштлар сари,  
Юрагимда сершовқин тўлқин.  
Шамол каби мен ҳам сарсари  
Кенгликларда топаман таскин.

Чакалқор бўлсин ётоғим,  
Бўриларга бўлайин ҳамроҳ,  
Олисларда ёнсин чирюгим,  
Ҳеч елкамга кўнмасин гуноҳ.

Кўзларимда ястаниб ётаган  
Чексиз сарҳад меники эрур.  
Юрагимда шлошлар отаган  
Ватан, уйим термулб турур.

Баъзан зерикаман шеърдан ҳам...

## Ҷўй

Бу — сенинг уйингдир,  
Бу — менинг уйим.  
Сирожиқдин Сайид.

Ватан, олам ичра ўзинасан уйим,  
Маналайи абадий офтобга туташ.  
Дилда адо бўлмас тўлқиндек куйим  
Топе, икболга, бахтимага уйқаш.

Ватан, олам ичра ўзинасан уйим,  
Бағрида қад ростлар биллур қасрлар.  
Тавсифинга етмас бу узун умрим,  
Бошиндан ўтади қушлардек асрлар.

Ватан, олам ичра ўзинасан уйим,  
Қўл чўзгай осмонга жужук набирам.  
Сенга тенлашолмас жавоҳир-буюм,  
Дунё ичра ўзинг буюк, мукаррам.

Ватан, олам ичра ўзинасан уйим,  
Сенда кечаларим гўёки кунбуз.  
Қайгу йўқ, ўкинч йўқ, узилмас куйим,  
Зурриётим шу уйда ёяди илдуз.

Ватан, олам ичра ўзинасан уйим.

## ҚИМ ҚАЙҚИЯТИ

1  
Қиш. Рутубат. Оқшом  
Зерикдим.  
Осмонга қилдим кўнгирос,  
Овоз кутавердим узоқ,  
Бироқ  
Жавоб бермади осмон.  
Қарасам  
Бағрида на ой,  
На юлдуз бор.  
Оқ, белоён осмон кўзларимга тиклар.  
Мендан-да мунгли,  
Мендан-да ғамгин.  
Кел, осмон  
Қўлингиз бер,  
Тинлаётган бир-биримизни,  
Тобора, ёшариб бормоқда дунё!

2  
Шеър ўқир эдим ёлғизлик кўйида  
Нечун  
Шеър сўзмади руҳимга?  
Деразадан тикилдим ғижим юрак-ла  
Во ажаб,  
Кетиб бормоқда  
Шеъра сўзмаган малак қор бўрониди  
Қолдириб ортидан ғаройиб из.  
Рухим оламни чулғади оловдек  
Шеърдан-да гўзал,  
Шеърдан-да ёниқ туйғу.  
Юрагимни чуқур жойига чўкди мангу,  
Қор оғушида кетаётган малак.  
Мен ўзимни отдим қор кўйнига...

## АЙБОҲ

Кунчиқар тарафда кўтардим айвон,  
Тунлари кўриниб турсин юлдузлар.  
Кипригимга кўнсин булутдан қарвон,  
Ҳайрат тахти узра чақнасин кўзлар.

Кунчиқар тарафда кўтардим айвон,  
Бағримга бош кўйсин ёзини шамол.  
Рухимда кўз очсин гунча нафармон,  
Мени сармаст этсин ишқим ҳилоли.

Кунчиқар тарафда кўтардим айвон.

Ортимда қолмоқда уйғоқ, бедор тош,  
Кўзлари нур тўшар отамдек вазмин!  
Лаҳза занжирга умримдир туташ,  
Мен-ла йўл бормоқда чўзилиб узун.

Ортимда қолмоқда уйғоқ, бедор тош.

Туш кўраман, шамол ва ёмғир,  
Пойимда сочилган хазон яроқлар.  
Ҳайқириб дарёдек тўлғонар бағир,  
Кўзимга чалинар яқин-йироқлар.

Хазонрез дарахтлар бунчалар мунгли?  
Сочлари юлинган Хаёлдир гўё.  
Теарамда тумшайдан осмон булутли,  
Ғамгин кўнелим каби йиғилмас дунё.

Туш кўраман, шамол ва ёмғир.

Ям-яшил дарахт елкасига чиқиб олдим мен,  
Қушлардек юрибман эркин,  
Бемалол.  
Ҳали ранеларин йўқотмаган япроқлар,  
Улар юзларимдан,  
кўзларимдан,

сочларимдан...

Ва юракни чулғар ҳаяжон.  
Ўз дунём ичра кезмоқдаман,  
Умирининг саратон палласида.

Кел, сен менинг дунёмага, кел, севгим.

Осмон бўйлаб оқиб боряпман,  
Қайга кетаяпман?  
Билмасман.  
Қучоғимда замин тўлғонар.  
Юрагимда уйғонади шеър.

## "ҚИҲДАЛИК" ДАҲ

Ўнчинчи июль.  
Икки минг йилгирманчи йил.  
Саратон тонги.  
Маст туялардек осмон тўла қора булут қарвони.  
Боғлаб қўйилгандек тўхтаб қолган бошимда.  
Вақт юрмайди.  
Туяларнинг кўзларида ғазаб,  
Вужуд-вужудида азоб.  
Нима қиларин билмас уллар.  
Қўл чўзсам,  
Етмас кўлим.  
Овоз берсам,  
Эшитмас уллар.  
Эҳ, бу ҳолат?

Битқазиб улғурмаган Сувартага ўхшар бир қадар.

Ҳар кеча  
остонамда ётар  
мен кўрмаган қари ит  
эрта тонг  
ғойиб бўлар у.  
Кун бўйи излайман  
топмайман бироқ  
ҳар кеча  
остонамда ётар у.

Тун мени эркалади,  
Тонгда,  
Ҳайқирдим оқ ранглардан.

Кеча мен отландим қишлоққа,  
Афсус,  
Йўл бермади вақт кўллари.  
Буғун шамолдек урилди димоққа,  
Мен тугилган қулба бўйлари...  
Киндик қоним ҳиди тегади димоққа!

Уйқусиз кечмоқда бу кечам,  
Кипригим қатида уйғоқ мунг.  
Юрагим қуш каби ушбу дам,  
Қошига етсайдим тез унчун.

Қўлини кўксимга босиб мен  
Гўзалим, севман дер эдим.  
Етаклаб тун қаъридан секин,  
Шаффоф тонг сари кетардим.

Уйқусиз кечмоқда бу кечам...

Яна ёмғир, яна изғирин,  
Йўл юраман тойғоқ, сирпанчиқ,  
Шамол туррай бошимда тўзгин,  
Юрагимда аёвсиз санчиқ.

Манзилим ҳам кўринар яқин,  
Қўлим чўзсам етгудек, бироқ...  
Қалб қаърида ғам-андуҳ яширин,  
Йў-хаёллар сураман узоқ.

Орда қолди баҳорим, ёзим,  
Атрофимда сарғаймоқда куз.  
Хазонрезми боғда бир ўзим,  
Кезмоқдаман дилда ёниқ сўз.

Яна ёмғир, яна изғирин.

Тилпа умидларим тўқилди мевалардек,  
Энимдаги кийимларим ҳам сўкилди.  
Янқоқ сол юрагимга, эй тикувчи аёл.

## СЕВТИ БЕМОРИ

Севги ёш танламас.  
Бу бор гап.  
Салкам Етмиш ёшимда севиб қолибман.  
Эллик ёшлар нари-бериси...  
Ажаб,  
У наздимда ўттиз ёшлар берисиди.

Кўзлари Нилуфар гулига ўхшар, уммондек.  
Юзларида тунда кўраман кўшини.  
Баъзида Ойни.

Табиати  
шоир Рауф Парфи шеърятини  
мисол мураккаб ва нозик.

Сўзлаши асалдан ҳам ширин, лаззатли.  
Жонимни берман бемалол.



Иосиф БРОДСКИЙ



ДОСТОЕВСКИЙ

Пул — тупроқ, сув, ҳаво ва олов билан бир қаторда одамлар ҳисоблашиши керак бўлган беҳишчи унсур ҳисобланади. Бу эса бугунги кунга келиб вафотидан юз йил ўтса ҳам, Достоевский асарларининг долзарблигини сақлаб турган бир қанча омиллардан, ҳатто асосий омиллардан бири. Замонавий дунёнинг иқтисодий эволюцияси векторини тўғри шобатга олгани, яъни қашшоқлашиш жараёни билан турмуш даражасини бирлаштира олгани учун ҳам Достоевскийни доҳиёна ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин. Келажакни башорат қилишда хатоларга йўл қўймасликни энг осон йўли — унга қашшоқлик ва айбдорлик призмасидан қарашидир. Достоевский айнан шу оптикadan фойдаланди.

## Иосиф БРОДСКИЙ

# ЖАЗАВАНИНГ ОФРИҚЛИ ИЗЛАРИ

## ЭССЕ

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида ўз салоҳида ёзувчи, ҳуқуқшунос, сиёсатчи, рассом ва бошқа ар-боблар тўпланадиган Петербург социалисти, ёзувчининг ашаддий мухлиси Елизавета Штанкенштейн-дер 1800 йили, яъни Достоевский вафотидан бир йил аввал, ўз кундалигида қуйидагига ёзади:

"...бирок у буржуаз. Ҳа, оддий буржуаз. Дворян ҳам эмас, семинариячи, факултетда рассом ё олим ҳам эмас. Айнан буржуаз. Ва бу буржуа вақили чуқур фикрловчи мутафаккир ва доҳий ёзувчи".

Албатта, бундан мутлақо тўғри деб бўлмайди: "Телба" асаридида опти минг рублдан кўпроқ миқдордаги пулнинг Настасья Филипповна томонидан каминга улоқтирилганини гувоҳи бўлганмиз. Бошқа бир томондан эса ўқувчининг ондада ориқли из қолдирадиган, жаҳон адабиётидаги энг дардли сахналардан бирида капитан Снегиров икки юз рублдан кўп бўлмаган пулни қорға қоршиштириб кетди. Аммо масаланинг моҳияти шундан иборатки, одамлар тилидан туншмаётган мана шу опти минг рубль (ҳозирда, тахминан йигирма минг долларга тўғри келади) бир йил давомида муносиб шариоатда яшаш учун етарли эди. Штанкенштейндер хоним назарда тутган — ўз даврининг иқтисодий табақаланиши махсули бўлган — буржуазия гуруҳи бугун "ўрта синф" деб номланади ва гуруҳ иқтисодий келиб чиқишига кўра эмас, балки йиллик даромадининг ҳажмига кўра табақаланган. Бошқача қилиб айтганда, қоғирда тилга олинган маблағ ҳаддан ортиқ бойликни ёки чидаб бўлмас даражадаги қашшоқликни аниқлашмайди, балки қониқиб яшаш мум-

кин бўлган, инсонни инсон қилиб шакллантирадиган шароит ҳисобланади у. Олти минг рубль ўртача ва меъёрий яшаш учун етарли бўлган, бундан тушуниш учун буржуазия вақили бўлиш керак, унда буржуазликка шояшлини!

Инсоният асосий қисмининг интилиши айнан мана шу нарса — меъёрдаги шарт-шароитларга эришишга қаратилган. Энг катта пул йиғиндиси сифатида опти минг рублни тақдим қилган ёзувчи эса жамиятнинг асосий қисмини ўзиники билан бир хил бўлган жисмоний ва руҳий ҳолатини кўрсатишга ҳаракат қилади. Яъни, у ҳаётни ўзига хос, умумий категорияларда тасвирлайди, чунки ҳар қандай табиий жараён сингарии инсоний мавжудлик ҳам меъёрга, мўътадилликка интилади. Аксинча, жамиятнинг юқори қатламига ёки ҳаддан ортиқ қуйи қатламга мансуб ёзувчилар ўқувчига маълум даражада бузилган бир тасвири берадики, сабаби ҳар икки тоифа вақили ҳаётга ҳаддан ортиқ кескин бурчак остида қаради. Жамият таңқиди (гўё бир ҳаёт синоними каби) ҳоҳ юқори, ҳоҳ қуйи қатлам томонидан бўлсин, ёзилган нарсанинг ўқиш-лиғини таъминлаши мумкин, бироқ, ботиний тасвирларгина ўқирман ҳисоблашишга мажбур бўлган ахлоқий талабларни келтириб чиқаришга лаёқатли.

Бундан ташқари, ўрта синфга мансуб ёзувчининг ҳолати етарли даражада беқарор ва шунинг учун ҳам у қуйи синфни ўта кучли қизиқтириш кузатади. Шунга мувофиқ, юқори қатламда рўй бераётган ҳар қандай воқеа жисмоний ҳолатининг яқинлиги сабабидан у учун сирлилик қобидан холи. Ўрта синфга мансуб ёзувчиларда ақалли, хилма-хил муаммолар

кўламнинг кенглиги унинг ўқувчилар аудиториясини кенгайтириб тура олади. Ҳеч бўлмаганда мана шу омил Достоевский машҳурлигининг, жумладан, Мелвилл, Бальзак, Харди, Кафка, Жойс ва Фолкнер кабилар машҳурлигининг кичик бир сабаби бўла оларди. Мана шу опти минг рубль буюк адабиётнинг юзага келишини қафолатлайдиган омил бўлиб кўрина бошлагани тўғрисида мана шу кўлаб кўриш мумкин бўлган фақирона ҳаётни "ясаб қўйиш"дан кўра бироз қийин, муаммонинг оддий сабаби шундаки, меъёр ҳар доим чегарадан чиқиб кетган ҳолатлардан кўра кўпроқ хайрихоҳларни шакллантиради. Дарҳол эришилган бойликка ёки аскетизмнинг инсталган шаклига етаклайдиган қандайдир йўллардан кўра айтаётган маблағни, унинг ярми ёки ўндан бирини қўлга киритиш ва уни тасвирлаш ҳам одамдан кўпроқ руҳий уринишни талаб қилади. Бундан ташқари, инсталлаган маблағ қанча камтарона бўлса, унинг сарфи шунча ҳаяжонли бўлади. Шу нуктага назардан қаралганда, ижодида инсон руҳиятидаги чигалликлар муҳим аҳамият касб этган Достоевскийнинг катта маблағ сифатида опти минг рублни танлаганининг сабаби бироз аниқлашмилади. Унинг учун улкан руҳий сарф ва унинг кенг кўлами буюк адабиёт билан ёнма-ён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, маблағнинг қанчалик реаллиги ҳақида эмас, унинг шунчалик метафизиклиги ҳақида гап кетяпти.

Унинг барча романлари, деярли ҳеч бир истисноси, вазият томонидан сиқиб қор аҳволга туширилган одамларни тавсифлайди. Мана шу омилнинг ўзи ўқувчини ўзига тобе қилиб оладиган мутлоқла учун қафолат бўла олади. Бироқ, Достоевскийга буюклик олиб келишига фақатгина сюжетнинг муқаррар чигалликлари ёки психологик таҳлил ва у туҳфа қиладиган ҳамдардлик эмас, балки оддий унсурлар, янаям аниқроқ айтиладиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди. Унинг мураккабига келсак, эга гапнинг охирига қулайгина мослашадиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди. Унинг мураккабига келсак, эга гапнинг охирига қулайгина мослашадиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди. Унинг мураккабига келсак, эга гапнинг охирига қулайгина мослашадиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди.

Унинг барча романлари, деярли ҳеч бир истисноси, вазият томонидан сиқиб қор аҳволга туширилган одамларни тавсифлайди. Мана шу омилнинг ўзи ўқувчини ўзига тобе қилиб оладиган мутлоқла учун қафолат бўла олади. Бироқ, Достоевскийга буюклик олиб келишига фақатгина сюжетнинг муқаррар чигалликлари ёки психологик таҳлил ва у туҳфа қиладиган ҳамдардлик эмас, балки оддий унсурлар, янаям аниқроқ айтиладиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди. Унинг мураккабига келсак, эга гапнинг охирига қулайгина мослашадиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди.


Унинг барча романлари, деярли ҳеч бир истисноси, вазият томонидан сиқиб қор аҳволга туширилган одамларни тавсифлайди. Мана шу омилнинг ўзи ўқувчини ўзига тобе қилиб оладиган мутлоқла учун қафолат бўла олади. Бироқ, Достоевскийга буюклик олиб келишига фақатгина сюжетнинг муқаррар чигалликлари ёки психологик таҳлил ва у туҳфа қиладиган ҳамдардлик эмас, балки оддий унсурлар, янаям аниқроқ айтиладиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди. Унинг мураккабига келсак, эга гапнинг охирига қулайгина мослашадиган бўлсам, асарда тилнинг у қўллаган мураккаб композицион қурилиши ҳам сабаб бўлди.

Рус проваславлигида ҳам, Рим католигида ҳам инсонга Парвардигор ёки унинг черкови томонидан ҳукм ўқилади. Протестантикда агар инсон ўзини Тангри ва унинг черковига қараганда яхшироқ англаганига шубҳа қилмаса, ўз устидан охириги ҳукми унинг ўзи яратди ва бу ҳукм давомида у Тангри ва унинг черковидан кўра анчайин шафқатсизроқ бўлади. Ҳеч бир ёзувчи фақатгина ўзининг бошидан кечирганларини ҳисоб-китоб қилиб ёзмайди, бошқа адабий қаҳрамонлар ҳам, уларнинг хатти-ҳаракати ҳам одил ва холис ҳукмга муносиб. Изланиш қанчалик пухта бўлса, асар шу қадр ишонарли чиқади, демак, ёзувчи, аввало, асарининг энг кўп ҳақиқатга яқин бўлиши учун ҳаракат қилади.

Албатта, Достоевский эзгуликнинг, яъни христианликнинг толмас ҳимоячиси бўлган. Бироқ, уйлаб қаралса, ёзувчининг илғор ҳимоячиси ҳам йўқ. Классикизмдан у ниҳоятда муҳим принципларни ўрганди: далилларни тақдим этишдан аввал ўзининг ҳақ эканлигини қанчалар ҳис қилса ҳам ва ҳатто, ҳақ бўлган тақдирда ҳам дастлаб қарши томон далилларини ўзи тўзиб олди ва у билан ҳисоблашди. Гап бунда ҳам эмас, фикрини инкор қилувчи далилларни ҳисоблаётган вақт, қарши томонга суяниш мумкин ҳатто: шунчаки, бундан тузиш жараёнининг ўзи ҳаяжонли. Охири-охири, барибир ўзи фикрингизда қолишигиз мумкин; бироқ энди бу исбот талаб қилмас ҳақиқатни иштиёқдан кўра кўпроқ ностальгия билан тилга оласиз. Бу ҳам ишонч даражасини ошириб бораверади, табиийки. Фақат мана шу ишонч унчунгина Достоевский қаҳрамонлари руҳиятини деярли классицистик(христиан дини мазабларидан бири) ўжарлик билан ўқувчи олдида очиб беради, деб тушунмаслик керак.

Яна бирор нарса Достоевскийни уларнинг қалбидида барча буришчи ва ақилларга сиқовлик билан қарашга мажбур қилади. Ва бу ҳақиқатга ошиқши эмас. Унинг изланишлари ҳақиқатнинг ўзидан ҳам устунроқ ва каттароқ бошқа бир нарсани аниқлади: улар ҳаётнинг дастлабги негизини — моҳиятини фош этиб қўяди ва бу негиз ҳеч қачон ёқимли бўлмайди. Ажойиб кунларнинг бирида Худодан инсон, ҳақиқат, гуноҳ, чексизлик ва наҳот тушунчалари унга камлик қила бошлайди ва моҳиятнинг сўзга қониқмас табиати уни ўз-ўзига чанг солишига, ўзини талаб боришига туртки бўлади.

Рус тилидан  
Наврўза МАХАМАДУҲҲАЕВА  
таржимаси.



ЭЪТИРОФ

## Ўзбекнинг сўнмас юлдузи

**Бу кўхна дунё барчамизни бирма-бир қарши олади, манзилмизга етиб боргач, ортимиздан қузатиб қолади. Аслида ҳақиқат ҳам шу. Тириклик — неъмат. Инсон умри эса омонат. Умри ҳар ким турлича яшаб ўтади. Кимдир ном-нишонсиз ўтиб кетади, кимнингдир умри мангуликка муҳрланади. Мангуликка дахлдор инсонлар ортидан эзгу сўз, эзгу амал, эзгу тароналар қолади, маънавий ва маданий ёдгорликлар қолади...**

Ўзбек миллий эстрада санъатининг ёрқин намоёнаси, эстрада қўшиқчилиги санъатига тамал тошини қўйган, ҳам бастакор, ҳам хонанда, ҳам рассом, қўйинчи, серкирра ижодкор, халқимизнинг суюкли фарзанди Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Президент қаҳор барча ижод аҳли, кўп миллионли халқимиз кўнглида фахр туйғусини уйғотди.

Атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзиш анчанинг масъулиятли ва айни дамда шарафлидир. Негаки, Ботир Зокиров номи элга танилганда биз жуда ёш бўлганмиз. Аммо унинг қўшиқларини радио тўлқинлари, "ойнаи жаҳон" орқали эшитиб улғайдик. Кейинчалик, қўшиқдан қўшиқнинг, ижродан ижронинг фарқини англаб етгач, бу инсоннинг нақадар ноёб истеъдод эгаси эканини, унинг беназир иқтидори ўзбек санъатида янги тонгни бошлаб беражанин англай бошладик. Орадан йиллар ўтди, эстрада санъати зинаполярларидан кимлар юриб, кимлар ўтмади, Ботир Зокиров эса ҳамон бу санъатнинг ёрқин вакили сифатида эътироф этиб келинаёти.

Ботир Зокиров жуда татъирчан тембрли, ширали овозга эга моҳир санъаткор эди. Унинг ижросидаги қўшиқларни мухлислар шунчалик эшитмас, ҳар бир қўшиғи юрак-юракка етиб борарди. Чунки, у ижро этаётган қўшиғини юксак актёрлик маҳорати уйғунлигида, ички сезимлар, ҳис-туйғулар, қалб кўрини қўшган ҳолда мухлисга етказишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам у куйлаган қўшиқлар бадиий яхлит, лирик-драматик асар даражасига кўтарилган.


Ботир Зокиров "Мафун бўлдим" (Мутал Бурхон), "Ёр кел", "Раъно", "Газли шўхликлар" (Илс Акбаров), "Мажнун монологи", "Кечалар юлдуз санаб" (Сайфи Жалил), шунингдек, миллий эстрада услубида қайта ишланган "Нечун хаёлга чўдин", "Дил орзуси", "Мейчале" (ҳинд), "Арабча танго", "Уйқум ўғриси" (Миср), "Маро бевус", "Айрилиқ қўшиғи" (Эрон), "Утмишмига йилгайман" (Сурия), "Гўзал қиз" (Ливан), "Алвидо, муҳаббат" (Мексика), "Яшасин муҳаббат" (Италия) қўшиқларни юксак маҳорат билан, профессионал даражада куйлаган эди.

Бундан ташқари, у чет эл муаллифларидан Э.Масиас, Ж.Брел (Франция), Чоджур, Р.Шанкар (Ҳиндистон), Фатхулла Сулаймон (Сурия), Фарид ал-Атраш (Миср), ака-ука Раҳбонийлар (Ливан) ва бошқа кўплаб санъаткорларнинг асарларини ўз тилимизда ижро этишга муваффақ бўлган ёрқин истеъдод соҳибидир.

Унинг рассом сифатида яратган "Автопортрет", "Саратон", "Гумбазлар", "Болалик кўчаси", "Чор минос" каби асарлари ҳам маълум ва машҳурдир. Шунингдек, Ботир Зокиров бир қанча қанча, очерк ва шеърлар муаллифи эди. У актёр сифатида "Гуллар очилганда" (Ёш муҳандис), "Оповли йўллар" (Р.Тагор), "Даҳонинг ёшлиги" (Абдулло) ролларини қойилмақом тарзда ижро эта олган.

Бугун мамлакатимизда инсон кадр-қиммати улуғланаётган кунларда устоз санъаткорнинг номини абадийлаштирилиши, унинг қилган хизматлари юксак баҳоланаётгани — бу ҳар бир ижодкорнинг қалбида, онгу шурида фахр туйғусини уйғотиши табиий. Давлатимиз раҳбарининг маънавий ва маданият аҳлига, умуман, ижодкорларга кўрсатаётган бундай ғамхўрлиги ёш авлодга устоз санъаткорнинг маданий меросини чуқур ўрганиш, унинг ҳаёти ва ижодини яқиндан билиш имконини беради.

Матлуба ТЕМУР кизи,  
"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси  
матбуот хизмати ходими.



## ТЕАТР ТОМОШАБИНИҲА ТАШНА, ТОМОШАБИНИ-ЧИ?

Бошқа масалаларда ҳам шундай. Масалан, театрга тушиб кўрмаган одам атрофдагиларнинг "Эҳ, театр деганлари зерикарли экан" мазмундаги гаплари таъсирида театрга тушмоқ истагидан воз кечиб қўйиши мумкин. Яна шу томони ҳам борки, бирор ким "Спектакль деганлари ажаб нарсаси-да, худди ўзинг ҳам телевизорнинг ичида ўтириб кўргандек бўласан", деб таъриф этса, унинг эътирофи бошқа одамнинг қизиқишига ҳам сабаб бўлади, албатта.

Театрнинг томошабоплиги, албатта, миллий драматургиямизнинг ривожини билан боғлиқ. Бугун адабиётимиздаги қатор насрий ва назимий жанрлар сайқалланиб бораётган бир пайтда, драматургия бу тараққийдан ортада қолаётгандек, назаримизда. Ҳолбуки, юртимиздаги салобатли театр биноларининг чинакам саҳна асарлари ва томошабинларга ташналиги шундоққина сезилиб туради.

Гарчи жамиятда кўплаб мавзуларга гоя бўладиган воқеалар юз бериб турган бўлса-да, трагедия жанридаги мақтаулик саҳна асарлари деярли учрамайди, комедияларнинг эса савияси кишида ҳақи эътироз ва жиддий хавотир уйғотади. Драматик турнинг асосий жанри ва мавзу кўлами анча кенгрок бўлган драмага мавзу топилмаётгандек. Тақдим этилаётганларнинг мазмуни, ундан келиб чиқадиган хулосалар бир хиллашиб бормоқда.

Ваҳоланки, саҳнага олиб чиқиш мумкин бўлган мавзулар саноксиз. Масалан, жадид маърифатпарварлар ҳаёти, мустақиллик даври қаҳармонлари, глобал, экологик муаммолар ва уларнинг оқибатлари, инсон ҳаёти билан боғлиқ зиддиятлар, агар санайверсанг, адоига етиш қийин. Мумтоз адабиётимиз намуналарига ҳам мурожаат қилмай қўйди. Сония сайин янги техника жиҳозлар, қулайликлар яратилаётган бир даврда

Ҳеч татиб кўрмаган мевасининг таъмини аввалдан тахмин этолмайди киши. Ва кўпинча "Мен бунинг мазасини билмайман", дейиш ўрнига, ўша мева ҳақида кўпчилик нима дейётган бўлса, осонгина уларнинг ҳамфикрига айланиб олади.



одамларнинг шаҳар четдаги раётган инсонларга макон, зармон, ҳаракат бирлигини жамлаган драматик тур намуналари бошқа турларга нисбатан тез таъсир қилади.

Миллий драматургиямизнинг супраси қуриб қолаётган бўлса-да, ёш ижодкорларимиз орасида бу соҳага қизиқувчилар унча-мунча топилади. Ўтган йили "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида икки нафар ёш ижодкорнинг драматик турдаги асарларини ўз ичига олган икки китоб нашр қилинди. Булардан бири Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган Шавкат Дўстмухаммаднинг "Қоинот ҳимоячиси" номли, иккинчиси, шу институтнинг магистранти Обиджон Рўзибоевнинг "Меросхўр" номли китобларидир. Обиджон Рўзибоевнинг "Меросхўр" пьесасида ҳозирда кенг илдириб отиб бораётган мол-дунёга ружу қўйиш, яқинлик бўлган эътиборсизлик, жисмоний ёки руҳий хасталиги бўлган инсонларни камситиш иллатларини ва уларнинг тақдиримизга таъсирини кўришимиз мумкин. Пьеса сўнгги-

даги котилликнинг қутилмаган тарзда амалга оширилиши томошабинни ҳаяжонга солади.

Шавкат Дўстмухаммаднинг китоби болаларга бағишланган бўлиб, икки пьеса ва бир мультфильм сценарийсидан иборат. Албатта, болаларга атиаб асар яратиш энг масъулиятли ва мураккаб иш. Бола нозик ниҳолдек гап, шамол нотўғри эсса ҳам таъсири сезилади.

Шавкат Дўстмухаммаднинг китобидаги биринчи асар "Гулти севарнинг гуллари" номли кўйроқ театри учун тўрт кўришни эртас-пьеса бўлиб, болаларни табиатга яқинлаштиришга ундайди, уни севишга ўргатади. Мухими, мавзу аҳимиятли ва етарлиқа ёритиб берилган. Табиатга нисбатан унитавған меҳримизни ёдга солади. Китобдаги иккинчи пьеса "Шалпанқулоқлар" деб номланган. Чақимчилик, бад-хулқлик, катталарга хурматсизлик ҳолатлари танқид қилинган ва улардан қутулиш учун болаларга ўринли маслаҳатлар берилган. Қаҳрамонларни номлашда ҳам ўзига хослик бор. Томоша давомиди болаларга мурожаат қилиш, уларни фа-

олиқка чорлаш, фикрларини сўраш пьеса ижроси жонли ва қизгин кечини таъминлайди.

Аммо табиийки, ёш ижодкоримизнинг асари камчиликлардан ҳам холи эмас. Муаллиф Откул (Отақул) билан болалари ўртасидаги мулоқотда одобсизликни бурттириб юборган. Аммо барчанинг номидан хулоса ўрнида айтилган сўнгги банд пьесага омадли яқун ясаган:

Кўнгалла яхши ният  
Туғиш керак ҳар кун.  
Оиламизга фойдамиз  
Тегиш керак ҳар кун.  
"Қоинот ҳимоячиси" мультсценарийси эса бирмунча замонавий руҳда ва болаларнинг қизиқишларига яқинроқ, табиатнинг бўлаги — ою юлдузларга болалар эътиборини ўзгача йўл билан қаратган асар бўлган. Енгил кўли билан бирга аччиқ кино ҳам учрайдик: Наҳотки юлдузлар ҳеч кимга керак бўлмасми?

Ўйлаيمизки, миллий драматургиямиз ёш истеъдодлар ҳисобига яна жонланади, яна ўз соҳасининг устаси бўлган режиссёрлар, актёрлар, драматурглар билан бойида. Устоз адабиётшуносларимиз ҳам ёш ижодкорларни кўплаб-қувватлашлари, керакли ўринларда танқид қилиб, йўл-йўриқ кўрсатишлари зарур.

Шунингдек, тегиримонни қуруқ айлантираверган билан бугдоя солмасангиз, ун қайда? Ижодкор ўлиб-тирилиб, қоғоз қоралайверса-ю, унга рағбат бўлмасми, асари саҳнада ўйналган маҳал уни томоша қиладиган қоракўз томошабин бўлмасми, қандай бўлади? Кимнинг ёзгиси келади? Шунинг учун ўзимизда ҳам томошабинлик маданиятини, театрга ишқибозлик руҳини шакллантиришимиз, кучайтиришимиз керак. Токи, саҳна асари ёзилгач, устозлар томонидан маъқулланиб, режиссёр маҳорати билан саҳнада жонланганда, томошабин ўз "вазифа"сини бажарсин! Пьесадан ибратни, маслаҳатни, руҳни ўзига синдириб, кейин бошқаларга ёйсин. Шундагина театр санъатини бугунимиз билан боғлай оламиз, шундагина уни эртасизга тағбиқ эта оламиз. Жадид боқоқлонларимиз: "Театр ибратхонадир", деганида нечоғлик ҳақ бўлганларини театрга тушсангиз, биласиз-да.

Ўйлаб кўринг, охири марта қачон театрга боргансиз? Ёки фарзандларингизни театрга етаклаб борганингизни эслай оласизми?

Шалова САФАРТОШЕВА,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили  
ва адабиёти университети  
талабаси.

ТАФАККУР

ИММАНУИЛ КАНТ (1724-1804)

ФИКРНИ ЭМАС, ФИКРЛАШНИ ЎРГАТМОҚ КЕРАК!

Германиялик мутафаккир Иммануил Кант Кёнигсберг шаҳрида ҳунарманд уста оиласида туғилиб ўсди. У оилдаги 9 нафар фарзанднинг тўртинчиси бўлган. Кант болалик ва ўсмирлик чоғларида тез-тез касалга чалинган сабабли нимжон, жижаки ҳамда ваҳимачи бўлганлиги айтади.

1745 йилда у Кёнигсберг университетининг илоҳиёт факультетини тамомлаган. 1755 йилдан то 1797 йилгача шу ерда метафизика, мантик, ахлоқий фалсафа, физика, риёзиеъдан дарс берган. Умрининг охиригача бўйдоқ ўтган. 57 ёшида "Соф тафаккур танқиди" деб номланган асосий асарини ёзиб тамомлаган. Унинг "Осмоннинг умумий табиий тарихи ва

назарияси" (1755), "Мантик" (1800), "Амалий мантик танқиди" (1788), "Антропология" (1798) каби китоблари энг йирик ва машҳур асарлари сирасига киради.

Олим шахсий ҳаётида фалсафий масалалар хусусида суҳбатлашишни хуш кўрмаган. Афтидан, у ўзининг тинглашга эмас, фақат ўқитишга қобилиятли эканини яхши англаган. Ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси муайян тартибга солинган файласуф ҳар кеч роппа-росса соат 10<sup>00</sup> да уйқуга ётган, тонги соат 5 да уйғонган. У 30 йил давомида бир марта ҳам бу тартибни бузмаган. Роппа-росса кечки соат 7 да сайрга чиққан. Кёнигсбергда яшовчилар Кантга қараб соатларини текширишган.



Рад этилишдан чўчимаслик керак. Бошқа нарсдан — сени тушунмасликларидан эҳтиёт бўл.

Ҳар бир фан фақат риёзиеъ билан иноқлашгандагина мукамалликка эришади.

Эътиқодга жой бериш учун билимларимни сиқштиришимизга тўғри келди.

Оғзимиздан чиқётган ҳамма сўзлар ҳаққоний бўлмоғи керак. Аммо бу, биз ҳар қандай ҳақиқатни очиб айтишга мажбурмиз, дегани эмас.

Даҳолик — ўргатиб ҳам, ўрганиб ҳам бўлмайдиган истеъдод маҳсули.

Фикрни эмас, фикрлашни ўргатмоқ керак.

Чеҳрамизнинг ранги ёлгон сўзлаётганимизни фох этади. Аммо у ҳамма вақт ҳам ёлгоннинг исботи бўлиб хизмат қилавермайди. Кўпинча бизни айблаётган кимсангиз андишасизлигидан ҳам қизарамиз.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat

Бош муҳаррир

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.  
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (71) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurryiat@mail.ru; info@uzhurryiat.uz

Муассис:  
Ўзбекистон  
Журналистлари  
ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан  
руйхатга олинган.

Адади: 4004

Буюртма — Г-1265

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5 6

Топшириш вақти — 21<sup>00</sup>  
Топширилди — 23<sup>45</sup>



Обуна индекси:  
якка  
обуначилар ва  
ташқилотлар  
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди  
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: А.Аҳмедов. Мусахҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босямаҳонасида чоп этилди.  
Босямаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.